Тоза дил, холис ният билан

ТАМАЛ ТОШКИНИ ЙИЛ БОШИДА ҚЎЯЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1988 йил 3 январь
ЯКШАНБА
№ 2 (4.198).

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Тарих ғилдираги қонуний равишда олға босмоқда. Асримизнинг ҳар бир йили ўз хосияти, ҳикмати, мураккабликлари, қийинчиликлари, шодлигу аламлари билан башарият ҳаётида ўчмас из қолдираяпти. Биз хайрлашган 1987 йил ҳам худди шундай хусусиятга эга бўлди. Тафаккур кўзгуси орқали қарайлик: жаҳоннинг маълум қисмида, яъни социализм оламида озодлик, тенглик, фаровонлик, қайта қуриш, янгиланиш, ўзгача фикрлаш ҳукмрон. Капитализм ва феодализм қиличи қайралган мамлакатларда эса ҳақсизлик, зулм-истибдод, қашшоқлик кезиб юрибди. Ўзаро қирғинлар, каттаю кичик урушларга чек қўйилмаган. Афкор оммa ҳақиқат учун, яшаш ҳуқуқи дея кураш олиб бормоқда.

Ана шундай бир шароитда 1987 йил ўзига хос моҳият касб этди. Дунёга илк бор мунаввварлик меъюм қилган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги тантанавор нишонланди. Одамзотнинг муштарак орзуси — тинчликни, қуролсизланишни рўёбга чиқариш сари қутлуғ қадам ташланди, яъни КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан АҚШ президенти Р. Рейган Вашингтонда ўртача ва камроқ олисликка учириладиган ракеталарни тугатиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Мамлакатимиз, жумладан Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) пленумида асос солинган қайта қуриш, жадаллаштириш, янгиланиш, турмушнинг ҳамма жабҳаларини номуносиб ҳолатлардан тозалаш программасини муваффақиятли амалга оширмоқдалар. Партия Марказий Комитетининг январь, июнь, октябрь пленумлари қарорлари коммунистларнинг, бутун меҳнат аҳлининг ленинчи партиямиз сиёсати ғалабасига комил ишончини яна бир карра мустаҳкамлади.

Хуллас, эришилган ютуқлар оз эмас. Бироқ КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев совет халқига янги йил мурожаатида таъкидлаганидек: «Қайта қуриш енгил ва соғлом ўтаётгани йўқ, албатта. Бирданига ҳамма нарса ва ҳамиша ҳам ўйлагандек чиқавермаяпти. Эскилик билан жанг янгиликка йўл бўшатмоқда. Аммо бу нарса биз билан сизни саросимага солмаслиги керак. Айниқса қийинчиликлар олдида чекиниш мумкин эмас. Биз жуда катта ишга киришдикки, бу иш бизларнинг ўзимизни ҳам, бутун мамлакатимизни ҳам ўзгартириб юборади. Бу нарса ўз-ўзидан содир бўлмаслиги равшан. Биргаликда куч-ғайрат сарфлашимиз зарур».

Ҳа, чиндан ҳам шундай. Қайта қуриш ва жадаллаштириш йўли теп-текис эмаслигини республикамиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи — пахтачиликни мисолга олиб қўя қолайлик. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VII пленуми бу соҳадаги аҳволни партиявий принципиаллик билан, бўямасдан-бежамасдан таҳлил этди, камчиликларни, турғунлик сабабларини очиб ташлади. Сарфланаётган капитал маблағ ҳажми ошиб бораётганига қарамасдан пахта ҳосилдорлиги, тола салмоғи 70-йилларнинг ўрталаридаги даражадан кўтарилмаганини қайд қилди.

КПСС Марказий Комитети ва иттифоқ ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли 1988—1990 йилларда пахта толаси тайёрлаш планн анчагина камайтирилди. Бу йил топшириғи 5 миллион 250 минг тонна пахтани ёки 1 миллион 680 минг тонна толани ташкил этади.

Биз 1988 йилни эзгу ният, улкан орзулар билан бошладик. Агросаноат комплексининг қайта ишлаш корхоналари дастлабки кунларданоқ зарбдорларча меҳнат қилишга киришдилар. Нонпазлар, қандолатчилар, консервачилар ва бошқа тармоқларнинг коллективлари 1 ва 2 январда аҳолни таъминоти учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришди. Пахта тозаловчилар тола сифатини яхшилаш, ҳажмини кўпайтириш юзасидан биринчи қадамни ташладилар.

Хозирги пайт чорвадорлар ҳаётида ғоят масъулиятлидир. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1987—88 йиллар чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш ҳақидаги қароридан руҳланган яйловлар ҳамда фермаларнинг аъзамат меҳнаткашлари янги йил ҳисобини очиб эл дастурхонига гўшт, сут, тухум етказиб беришни дадил бошлаб юборишди.

1988 йил ҳар жиҳатдан масъулиятли ва шарафли бўлиши керак. Совет кишилари қайта қуришнинг иккинчи босқичида янада улкан марраларни эгаллашлари, аввалги йиллардан қарз тариқасида қолган юмушларни бажариш билан бирга беш йилликнинг учинчи йили вазифаларини албатта ўринлатишлари керак.

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг меҳнат аҳли ҳам жиддий синов олдида турибди. Айниқса агросаноат комплекси тармоқларидаги ишларимиз ниҳоятда кўп. Биринчи навбатда пахтачиликни олдиғани бўлсак, 1988 йил бурилиш нуқтаси бўлмоғи лозим. Алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш, интенсив технологияларни фаол жорий этиш, селекция ва уруғчиликни такомиллаштириш, механизациялаш даражасини ошириш, ўғитлардан, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланишни яхшилаш, ирригацияни билимдонлик билан ривожлантириш, ерларни мелиоратив жиҳатдан таъмирлаш орқали пахтачилигимизнинг кескин тараққиётини таъминлашимиз зарур.

Маълумки, 1 январдан бошлаб давлат корхоналари (бирлашмалари) ҳақидаги қонун кучга кирди. Иқтисодий қайта қуриш чинакамига бошланиб кетди. Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, ўз харажатларини ўзи қоплаш, ўз ишини ўзи бошқариш — буларнинг ҳаммаси коллективларга тўла мустақиллик бериш билан бирга уларнинг, партия ташкилотларининг зиммасига беқиёс масъулият юклайди. Бундай шароитда иқтисодий фикрлашга, ҳисоб-китобга, тежамкорликка кенг йўл очиш алоҳида аҳамиятга эга. Шаҳар, район, область партия комитетлари бу жараённинг кечишини қатъий назорат остига олишлари, дастлабки натижаларни таҳлил этишлари, қийинчиликларни енгишда бошланғич партия ташкилотларига, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга амалий ёрдам кўрсатишлари керак. Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети, унинг жойлардаги органлари, республика министрликлари ва идоралари иқтисодий фикрлаш санъатини эгаллаган ҳолда иш тутишлари лозим.

Бошланган йилимиз партия олға сурган умумхалқ программасини — ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки ҳовли-жой билан таъминлаш снёсатини рўёбга чиқаришда алоҳида моҳият касб этади. Ун биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессияси «Ўзбекистон ССРнинг 2000 йилгача мўлжалланган уй-жой комплекс программасини амалга оширш юзасидан республика халқ депутатлари Советларининг, министрликлари ва идораларининг вазифалари тўғрисида» қарор қабул қилди. Шунга биноан биз аср охиригача 210 миллион квадрат метр турар жой биноларинн қуриб битказишимиз талаб этиладн, яъни ҳозиргига нисбатан икки баравар кўп уй-жойлар фойдаланишга топширилади. Бу ҳазилакам иш эмас, уни астойдил меҳнат, зўр ихлос, собитқадамлик билан бажариш мумкин. Белгиланган режаларни сўзсиз рўёбга чиқариш умумпартиявий, умумдавлат, умумхалқ ишидир. Ўзбекистон меҳнаткашлари бу топшириқни бажаришларига шак-шубҳа йўқ.

Янги йил ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида қутлуғ из қолдиришга ишонамиз. Қишлоқда турмуш маданиятн юксалтирилиши, ошкоралнйлик, демократиялаш жараёнлари чуқурлаштирилиши, инсон омили биринчи ўринга қўйилмоғи зарур. Буларнинг ҳаммаси улкан қайта қуриш жараёнининг узвий қисмларидир.

1988 йилимиз хайрли, хосиятли, баракали бўлсин!

ДАСТЛАБКИ КУН НАФАСИ

СУТ САНОАТИ

Фарғона сут заводи коллективи янги йилнинг дастлабки кунида 125 тонна ёки 29 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, шаҳар аҳолисига тортиқ этди. Шу куни сменада 64 ишчи зарбдорчасига ишлади. Р. Жирнова, М. Юнусова, П. Бердиков, С. Мусаев бошлиқ бригадалар айниқса юксак унумдорликка эришдилар.

ТЕПЛИЦА ХЎЖАЛИГИ

Куйбишев номли совхозининг теплица хўжалиги ходимлари 1 январь куни Риштон райони меҳнаткашларига 800 килограмм янги узилган помидор ва бодринг етказиб бердилар. Аҳолига 2.450 сўмлик сара маҳсулот сотилди. Бунда Алижон Қурбонов бошлиқ звено аъзоларининг улуши катта. Кумуш Ҳафизова, Чинниҳон Қодирова, Муҳтарам Ҳафизова сингари ишчилар ғайрат кўрсатиб ишлашди.

НОНПАЗЛИК

«Ферганахлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари беш йилликнинг учинчи йилини қувончли бошлашди. Улар область маркази аҳолиси дастурхонига 1 январда 24 тонна ёки 22 минг сўмлик нон ва кондитер маҳсулотлари тортиқ этдилар. Йилнинг дастлабки кунида Л. Широкова, И. Ильина, А. Ҳакимов, О. Асқарова каби мастерлар, Г. Ковзова, Е. Солнев, Х. Искандарова, А. Миркаримов сингари ишчилар бошқаларга намуна бўлишди.

А. ТЎХТАСИНОВ.

ЯНГИЛИК

БОҒДА МАШИНАЛАР ИШЛАМОҚДА

«Мўян» совхози Фарғона областининг жанубий қисмида, тог бағрида жойлашган бўлиб, богдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослаштирилган. Бу ерда йилига ялпи даромад ошмоқда, ўтган йилда 4,5 миллион сўмга етди. Рентабеллик эса богдорчиликда 40, узумчиликда 70 процентни ташкил этди.

1983 йилда мазкур хўжаликка А. Икромов номли совхоз қўшиб берилгач, мутахассислар Тошкент қишлоқ хўжалиги институти олимлари билан ҳамкорликда боғ ва токзорларга механизмлар ёрдамида ва қўлда ишлов беришнинг технологик харитасини ишлаб чиқдилар. Шунга мувофиқ мева етиштиришнинг барча мавсумларида машиналардан фойдаланишнинг графиги тузилди, ишнинг энг тиғиз даврлари аниқланди. Механизациялашган жамики бригадалар ҳамда тармоқларда чек системаси жорий қилинди. Механизаторлар ва ишчилар сони шундай белгиландики, натижада уларнинг бандлиги юқори даражага етди, асосий юмушлар фақат ички имкониятлар ҳисобига, энг мақбул агротехник муддатларда бажарилди, ҳар шартли трактористнинг иш унуми эса 1.200 гектар ўрнига 1.347 гектарга баробар бўлди.

Аввалларн асосий технологик жараёнлар, хусусан ток ва мевали дарахт кўчатларини ўтказиш фақат қўлда бажарилардн. Комплекс механизациялашнинг шарофати туфайли бу юмушларнинг ҳаммаси машиналар зиммасига юклатилди.

Совхоз рационализаторлари И. Абдуллаев, М. Жамолиддинов, Т. Холдоров ниҳолларни экиш учун из тортиб берадиган хаткаш яратдилар. У қаторларнинг кенглиги ҳисобга олинган ҳолда махсус мослама кўмагида трактористга тирикалади, чопиқ асбоби эса жўяк олиб кетади. Кўчат экувчи агрегатнинг иш унуми бир сменада 6—7 гектар. Бироқ Ш. Тешабоев, К. Ботиров, И. Қўлдошев каби механизаторлар бу кўрсаткични 10—12 гектарга етказмоқдаларки, натижада катта иқтисодий самара олинаётир. Масалан, олдинлари бир гектар ерга қўлда кўчат ўтказилганда 300—350 сўм сарфланса, агрегат ёрдами туфайли бор-йўғи 30 сўм ишлатилмоқда.

Шунингдек, ниҳолларни 60 сантиметр чуқурликка экиш йўлга қўйилди. (Бунинг учун ерни чуқур юмшатувчи РН-08 мосламасининг хаткаши Т-4 А трактористга осилади). Культиваторнинг иш қамрови кенгайтирилди, ҳатто унинг ёрдамида ўғитлаш мумкин.

Токларни кўмиш ва очишни ВУМ агрегати бажармоқда. Бунинг ҳисобига қўл меҳнати 60—70 процент қисқарди. Ҳар йили фосфор, калий ва маҳаллий ўғит аралашмасидан компост тайёрланади, доривор далага механизмлар воситасида сепилади.

Олдинлари кўчатлар бошқа хўжаликлардан келтириларди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, катта агроном Р. Ҳасановнинг таклифи билан ниҳоллар совхозининг ўзида тайёрланмоқда. Бу юмуш билан махсус звенолар шуғулланаётир. Самара чакки эмас: сарф-харажат икки баравар озайди.

Ижодий ёндашиш коллективга техникадан кенгроқ фойдаланиш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, шу тариқа даромадни кўпайтириш имконини бермоқда.

И. ЕРМАТОВ,
Я. ДАДАБОЕВ.

ТАЖРИБА

МУТЛАҚО ЧИҚИТСИЗ

1988 ЙИЛ АРАФАСИДА ГАГАРИН ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ КОМБИНАТИДА КОНЦЕНТРАТ ОЗУҚА ТАЙЁРЛАШ ЦЕХИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Икки-уч йил муқаддам хўжаликлардан қабул қилинган ғалла, шолн ва макжўхори дони қуритилиб, сўнгра вагонларга юкланар, республиканинг турли шаҳарларига жўнатилардн. Шунда етиштирган шолнни шу корхонанинг ўзида қайта ишлаш мумкин эмасми, деган савол туғилди. Республика Дон маҳсулотлари министрлиги, область партия, совет ташкилотлари ушбу муаммони ижобий ҳал этдилар. Корхона қошида гуруч тайёрлаш цехи қурилди. Икки йилдирки, қирмизи дон комбинатнинг ўзида қайта ишланиб, савдо тармоқларига сара гуруч етказиб берилмоқда.

Мазкур цех ишга туширилиши билан яна бир муаммо пайдо бўлди. Оқлаш жараёнида тўпланадиган гуруч майдаси, уни, шолн қипиғидан фойдаланиш, ундан концентрат озуқа тайёрлаш цехи қуриш масаласи кун тартибига кўйилди. Қолаверса, Термиз, Шеробод, Гагарин районлари хўжаликларидан қабул қилинадиган донни катта харажат эвазига қуритиб, вагонларга юклаб, аллақаёқларга жўнатишдан кўра шу ерда қайта ишлаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Қурилишни министрликнинг хўжалик ҳисобидаги ремонт-қурилиш ва созлаш бошқармаси қурувчилари амалга оширдилар. Улар 367 минг сўмлик ҳажмдаги ишларни бажаришди. Объект синовдан муваффақиятли ўтди. Цех ишга туширилган кунн 20 тоннага яқин омихта ем ишлаб чиқарилди. Қабул комиссияси Николай Валюс бошлиқ участка қурувчиларининг ишига «яхши» баҳо берди.

Цех янги йилдан бошлаб чорва фермаларига ҳар кунн 50 тонна концентрат озуқа жўнатаяпти. Унга олий малумотли инженер-технолог Бурхон Бобоёров бошчилик қилмоқда. У цехни барпо этишда қурувчилар билан ёнма-ён меҳнат қилди, технологик жараёнларни пухта ўргандн.

— Цех замонавий техникна ва ускуналар билан жиҳозланган, — дейди Б. Бобоёров. — Бизда атиги беш кишн ишлайди. Ишни қандай ташкил этаётганимиз кўпчиликнн қизиқтиряпти табиий. Шолнни қайта ишлаш, омихта ем тайёрлаш цехлари битта пультдан бошқарилади. Донни мажалайдиган механизм мукаммал ишланган. У Германия Демократик Республикасидан келтирилган. Тайёр маҳсулотни юклашда қўл кучига ҳожат йўқ: транспортёр орқали вагонга бориб тушади. Яна бир афзаллик шуки, бошқа жойлардаги бундай цехларда концентрат озуқа машиналарга ортилиб, тарозида ўлчанади. Бизда эса бошқача; ем ортилаётган жойда юкнинг миқдорини кўрсатувчи асбоб ўрнатилган.

Шундай қилиб корхонада яна бир цех иш бошлади. Чиқитсиз технология асосида меҳнат қилаётган комбинат коллективи Озиқ-овқат программаси ижросига муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда. Лекин ишни жадаллаштиришда тўсиқлар ҳам йўқ эмас. Область агросаноат комитетига қарашли транспорт корхонаси концентрат озуқа ташишга мўлжалланган махсус юк автомашиналарини жиҳозлаш масаласини ҳал этса, комбинат маҳсулотни ташвишсиз, тўғридан-тўғри хўжаликларга етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олган бўлардн.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Ўлкамизда ҳамма меъмор ва бинокор

ҚУРИЛИШДА БУРИЛИШ БЎЛАДИ

Ушбу харитада республикамиз агросаноат комплексининг 1988 йилдаги зарбдор қурилишларн кўрсатилган.



(«Узагропромстрой» бирлашмаси бунёдкорлари бу йил олиб борадиган ишлар ҳақида газетанинг 2-саҳифасидаги «Қурилишда бурилиш бўлади» мақоласида гап боради).

КОММУНИСТ ВА БЕШ ЙИЛЛИК

УЗУМЧИЛИК БРИГАДИРИ Иброҳим НУРҲОЖИЕВ

У чорак аср муқаддам шонли Коммунистик партия сафига қабул қилинганди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас ёш коммунист колхозда оқсаётган соҳа — узумчиликда ишлашга қатъий бел боғлади. Оддий соҳибкорлик пайтида меҳнатсевар, тиришқоқ, уддабуро эканлигини, одамлар қалбига йўл топа олишини кўрсатди. Натижада колхозчилар ишончини қозониб, тез орада бригадирликка сайланди.

Иброҳим Нурҳожиев коллектив аъзолари билан дарҳол чиқишиб кетди. Ишни моҳирона ташкил этиб, бригаданинг илғорлар сафидан мустаҳкам ўрин олишига катта ҳисса қўшди. Токзорлар ҳосилдорлигини ошириш, аҳолига кўпроқ маҳсулот етказиб бериш мақсадида елиб-югуриб меҳнат қилди. Коллективда тартиб-интизом мустаҳкамланди, ўз касбига меҳр қўйган, тажрибали соҳибкорлар кўпайди. Бригадир ҳалол, самарали хизматлари эвазига муносиб тақдирланиб борди: кўксини III даражали Меҳнат Шуҳрати орденн, Ризамат Мусамуҳамедов номидаги мукофотнинг лауреатлик нишони, бир неча медаллар безади.

Коллектив жорий беш йиллигининг иккн йили план ва социалистик мажбуриятларини анча ошириб бажарди. Хусусан юбилей йилида токзорларнинг ҳар гектаридан кўзда тутилганидан 50 центнер кўп, яъни 200 центнердан ҳосил олинибб, шаҳарликларга 495 тонна ўрнига 660 тонна шкрин-шакар узум етказиб берилди.

— Тасарруфимизда 39 гектар токзор бор, — дейди бригада етакчиси И. Нурҳожиев. — Кузги-қишки агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказдик. Токлар яхшилаб кўмилди. Қатор ораларига маҳаллий ва минерал ўғитлар солинди. 33 гектар ҳосилга кирган. Қолган майдонлардаги токларни ҳам интенсив парваришлаб, жорий йилдан узум олмоқчимиз.

Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозининг Иброҳим Нурҳожиев бошлиқ бригадаси аъзолари чиндан ҳам юрт дастурхонн тўкин бўлишига муносиб ҳисса қўшишаётир. Ҳамма жойда ишни қайта қуриш қизғин бораётган ҳозирги шароитда соҳибкорлар даврга ҳамоҳанг қадам ташлаяпти, токзорлар саҳоватини ошириш, ялпи маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга астойдил интилишмоқда. Шу кунларда қишки юмушлар ҳамжиҳатлик билан бажарилаяпти.

Иброҳим Нурҳожиев жамоат ишларида ҳам фаол. У халқ депутатлари район Совети депутати сифатида ҳамқишлоқларининг наказларини кўнгилдагидек адо этишга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, у аҳил, бахтнёр оила бошлиғи. Тўрт ўғли ўзи сингари сергайрат, ишчан бўлиб ўсишмоқда.

«Беш йилликнинг учинчи йилида токзорларнинг ҳар гектаридан ўртача 220 центнердан ҳосил етиштирамиз!» — И. Нурҳожиев бошлиқ бригада ҳосибкорларининг бу йилги қарори шундай.

МАҲСУЛДОРЛИК ПАСАЙМАЙДИ

Термиз районидаги Жданов номли колхоз чорвадорлари ўтган қишловда Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси голиби бўлишганди. Аҳил коллектив шуҳратини бой бермаслик учун астойдил курашмоқда. Бош зоотехник Худойназар Эргашев шу хусусда тўхталиб бундай деди:

— Тармоқни интенсив ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда, 1980 йилда ҳар сигирдан соғиб олинган сут 1.800 килограммдан ошмаган бўлса, ўтган йили қарийб 2.500 килограмм бўлди. Давлатга сут соғиш йиллик плани ошириб бажарилди. Гўшт, тухум тайёрлаш марралари ҳам эгалланди.

Зоотехникнинг қувонганича бор. Бундай ютуққа алмашлаб экишни жорий этиш, шу асосда озуқабоп экинлар майдонини анча кенгайтириш туфайли эришилди. 1987 йилда 364 гектарда беда, 12 гектарда озуқабоп лавлаги, 140 гектардан сули, 80 гектар майдонда силосбоп маккажўхори ўстирилди. Экинлардан бўшаган майдонларга яна маккажўхори уруғи сепилди. Ихтисослаштирилган бедачилик бригадаларига Рўзибой Хўжанов, Обод Рўзиева, Абдураҳмон Вафоев сингари тажрибакор лар бошчилик қилишмоқда. Бу йилги қишлов учун 4.700 тоннадан зиёд дағал хашак, 265 тонна лавлаги, 1.663 тонна ширали озуқа тайёрланди.

Озуқа цехида ҳар куни 3—4 тонна тўйимли, сервитамин емиш ишлаб чиқарилмоқда. Ҳар қорамолга 6—8 килограмм атала, 3 килограмм омихта ем, 3 килограмм сомон, 30 килограмм силос, шунингдек беда пичани ва ҳоказолар берилаяпти. Сигирсоғарлардан Собира Шодова, Ғўгил Бўронова, Ойсоат Холиёрова, Ғўлкелди Йўлдошева, Бибигул Сайдуллаева, Ражабой Эрназарова сингарилар говмишларнинг ҳар биридан 3 минг килограммга етказиб сут соғиб олганликлари учун ўтган йилги мусобақа голиби бўлишди. Улар КПСС Марказий Комитетининг мактубига жавобан қишда ҳам маҳсулдорликни пасайтирмаётирлар: ҳар сигирдан соғиб олинаётган сут қарийб 10 килограммни ташкил этмоқда.

У. НОРМАТОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА КЎРИБ ЧИҚИЛГАН

КОЛХОЗ ҲАЁТИ ҚОНУНИ

Янги йил — ўзининг тўртинчи Бутуниттифоқ съездига тайёргарлик кўраётган мамлакат колхозчи деҳқонлари ҳаётида алоҳида йилдир. Яқинда КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси СССР Агросаноат давлат комитети ва Иттифоқ Колхозлар кенгашининг колхозлар нинг намунавий уставига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифини маъқуллади. Шу муносабат билан нималар кўзда тутилаётганлиги ҳақида гапириб беришни ТАСС мухбири А. Дзюбло Иттифоқ Колхозлар кенгашининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. И. КУХАРдан илтимос қилди.

— Ҳозир амал қилаётган намунавий устав қабул қилингандан бери орадан 18 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Кўпгина қоидалар эскириб, улар социал-иқтисодий муносабатларни қайта қуриш, агросаноат комплексида хўжалик механизмини такомиллаштириш ва интеграция жараёнларини ривожлантириш шароитида колхозлар ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришларга мос келмаяпти. Намунавий устав лойиҳасида ана шуни ҳисобга олиб, энди колхозлар ягона халқ хўжалик комплексининг асосий бўғинларидан бири эканлиги, уларнинг иши давлат раҳбарлиги билан узвий равишда тўла мустақиллик, ўзини-ўзи бошқариш, хўжалик юритишнинг демократик принциплари асосида, хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида жорий этилаётганлиги таъкидланмоқда. Колхозлар ўз вазифаларига мос келадиган ва қонунларга зид бўлмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишлари мумкин.

Чунончи, колхозга пландаги маҳсулотнинг бир қисмига ҳамда ўз савдо тармоғи орқали, колхоз бозорида матлубот кооперациясига ва бошқа ташкилотларга сотиладиган пландан ташқари маҳсулотнинг ҳаммасига мустақил равишда нарх белгилаш ҳуқуқи берилади. Колхоз хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар, агросаноат комбинатлари, агрофирмалар ва бошқа бирлашмалар фаолиятида ихтиёрий асосда қатнашиши мумкин.

Давлатга маҳсулот реализация қилиш ва бошқа йўллар билан маҳсулот реализация қилишга оид хўжалик шартномалари, марказлаштирилган тарзда тақсимланадиган моддий ресурсларни етказиб бериш миқдори, қарз бериладиган маблағлар ва пудрат ишлари лимитлари, шунингдек узоқ муддатли иқтисодий нормативлар планлаштириш учун дастлабки маълумотлардир.

Колхоз меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг асосий формаси сифатида коллектив пудратни қўлланади, шунингдек пудратнинг оилавий, шахсий ва бошқа формаларидан фойдаланади.

— Буни соф хўжалик соҳаси, дейиш мумкин. Колхознинг ички демократиясини ва ишда ошкораликни ривожлантириш учун нималар кўзда тутилмоқда?

— Умумий йиғилишларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилади. Масалан, умумий йиғилишларнинг қарори билангина колхоз раисини ўз вазифасидан озод қилиш, шу жумладан у бошқа ишга ўтиши муносабати билан ҳам озод қилиш мумкин.

Колхоз ҳаётида бригада, ферма, бошқа ишлаб чиқариш бўлинмалари коллективларининг ва улар кенгашларининг роли анча ошиб бормоқда. Уларнинг фаол иштирокида хўжалик ҳисобидаги топшириқлар тайёрланмоқда ва тузиладиган пудрат шартномаларининг шартлари ишлаб чиқилмоқда, интенсив технологияларни жорий қилиш, колхоз мулки сақланиши, меҳнат шароитини яхшилаш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масалалари ҳал этилмоқда. Бўлинма коллективига бўлинма раҳбарини сайлаш ва уни озод қилиш тўғрисида таклиф киритиш ҳуқуқи берилган.

Томорқа ер участкаларининг миқдори ва шахсий ёрдамчи хўжаликлардаги чорва сони тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш юқоридан ҳеч қандай чеклашларсиз колхозчилар умумий йиғилишларининг ихтиёрига бутунлай берилади.

— Муҳим аҳамиятга эга бўлган қўшимчалар бор. Томорқа хўжалигига тааллуқли яна қандай қоидалар бор?

— Шахсий ёрдамчи хўжалик социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг таркибий қисми эканлиги қайд этилган ва колхоз планларни тузишда колхозчиларнинг ҳамда ўз территориясида истиқомат қиладиган бошқа гражданларнинг томорқа хўжалигини ривожлантириш зарурлигини ҳам ҳисобга олади.

Чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш тўғрисида колхоз билан шартнома тузадиган кишиларга қўшимча ер участкалари, пичан ўрадиган машиналар ва яйловлар ажратиб бериш кўзда тутилган.

— Маълумки, яқинда колхозчиларнинг пенсия таъминотини такомиллаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Намунавий устав лойиҳасида келгусидаги социал ривожланиш соҳасида нималар таклиф этилади?

— Бу ўринда давлат корхонаси тўғрисидаги қонун талабларига мос келадиган қоидалар: комплекс механизация даражасини ошириш, индустриал технологияларни жорий этиш, иш жойларини ташкил этишни такомиллаштириш асосида оғир, кам малакали меҳнатни камайтириш, келгусида эса бутунлай тугатиш алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Колхозчиларни уй-жой билан таъминлаш тартиби белгилаб берилган ва колхоз правлениеси касаба союз комитети билан биргаликда ошкораликка риоя этган ҳолда колхоз уйларидан уй-жойлар бериши таъкидланган. Иқтисодий имкониятларни ҳисобга олиб, колхозга аёллар учун ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилгандан кейин бериладиган нафақаларга қўшимча ҳақ белгилаш, уч ва ундан кўпроқ бола туққан аёлларни бир вақтнинг ўзида мукофотлаш учун ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилади. Колхоз ўзининг социал фаолиятини халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан мустаҳкам бирликда олиб бориши муҳимдир.

Иван Иванович, пировардида қуйидаги масала юзасидан хўжалик раҳбари, Москва областидаги энг яхши колхозлардан бирининг раиси сифатида сизнинг фикрингизни билишни истардик. Кейинги вақтда янги иқтисодий муносабатлар жорий этилаётганлиги муносабати билан хўжаликларга ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш жорий этилиши мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида таклифлар билдирилмоқда.

— Ўйлайманки, бу таклифлар ўринлидир. Чунки улар иқтисодий қонунларнинг амал қилишига тааллуқлидир.

Турли хўжаликлар ҳар хил ерларда иш юритадилар. Шунинг учун ҳам табақалаштирилган мулк тўғрисидаги масала назаримда бизнинг шароитимизда ҳам аҳамиятга эгадир.

Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоз чорвадорлари қишловни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Ферма ходимлари янги йилни ўзаро социалистик мусобақа асосида, юксак меҳнат кўтаринкилиги билан бошлашди. Беллашувда илғор сигирсоғар Назира Арслонова ҳам фаол қатнашмоқда. У йилнинг биринчи кунида қарамоғидаги 24 бош сигирнинг ҳар биридан ўртача 10 килограммдан сут соғиб олди.

СУРАТДА: моҳир чорвадор М. Арслонова.

Ҳ. АВВАЛОВ фотоси.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Олтинкўл районидаги Калинин номли колхоз теплица хўжалигининг меҳнаткашлари Андижон шаҳрига байрам дастурхонига сал кам юз тонна помидор, бодринг, лимон ва кўкатлар жўнатдилар. Теплица маҳсулоти орасида янгиликлар ҳам бор. Булар хўжаликда илк бор етиштирилан помидорнинг «Немато» ва «Реанта» деб аталган Голландия навларидир.

Жорий йилда хўжалик деҳқонлари андижонликларга яна анчагина янгиликлар тайёрламоқдалар. Улар апельсин ва мондарин, шунингдек атиргул ва чинни гуллар етиштира бошладилар.

●

«Ўртоқ» фабрикасининг қандолатчилари республика аҳолисига «Карнаваль кечаси», «Кузги боғ» «Балет» деб аталган янги конфетларни тақдим этдилар. Шоколадли бошқа конфетлари: «Птичье молоко», «Терем-теремок» ҳамда «Травинка», «Нектар», «Беҳили» карамель конфетларини ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Ўтган йили фабрикада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусияти шундан иборат бўлдики, бу ерда анъанавий бўлмаган хом ашё турлари кенг қўлланила бошлади. Корхонада ўрик ва беҳи қиёми, асал, соя концентрати қўшиб маҳсулотлар тайёрланмоқда.

●

Чортоқ районида байрамолди савдоси учун теплицада мева ва сабзавотлар тайёрланди. Бу маҳсулотлар «Наманганоблагропромстрой» трестининг қурувчилари ўрнатган иккита қучли холодильник ёрдамида сақланди. Холодильниклар боғ ва полизларнинг олти минг тонна маҳсулотини сақлашга мўлжалланган.

Жами Наманган область агросаноат бирлашмаси 15 та холодильник қурилмасига эга. Улар 23 минг тоннадан ортиқ мева ва сабзавот сақланишини таъминлайди.

(ЎзТАГ).

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

«Главмосавтотранс»га қарашли 28-автокомбинатнинг қурилиш юкларини ташиш билан шуғулланувчи филиали ходимлари яхшиланган шароитда меҳнат қила бошладилар. Эндиликда ҳар бир шофёр янги техника билан жиҳозланган хоналарда машинанинг техника кўриги тез ва малакали ўтказиши, жорий ремонт ишларини бажариши мумкин. Аммо сифатли иш дам олиш учун яхши шароит бўлишини ҳам тақозо этди. Бу ерда ана шуни тушуниб маиший эҳтиёжларни ҳам таъминладилар. Кийиниш-ечиниш хоналарига кулай жавонлар қўйилди, душхоналар жиҳозланди. Қизил бурчак ҳам ташкил этилди, бу ерда сменадан сўнг ва танаффус вақтида дам олиш мумкин.

* * *

Пойтахтдаги 1-автокомбинат меҳнаткашлари юбилей йили социалистик мажбуриятларини муваффақият билан уддаладилар. 900 га яқин ҳайдовчи беш йиллик икки йилида кўзда тутилган юк ташиш планини бажариб бўлди. Пешқадамларнинг кўплари Москвадан узоқда бўлганликлари ҳолда эришган ютуқлари тўғрисида рапорт бермоқдалар.

* * *

ЛИПЕЦК. Бу ердаги ҳаво портида қурилган янги аэровокзал дастлабки йўловчиларни қабул қилди. Бино замонавий техника билан жиҳозланган бўлиб, вокзалнинг пассажир қабул қилиш қобилиятини кўпайтиришга, самолёт. да саёҳат қилувчиларга хизмат маданиятини оширишга имкон беради.

* * *

НИКОЛАЕВ. Шаҳарда очилган «компьютер» ёшлар кооперативи дастлабки талабгорларни қабул қилди. Кооперативда «Бейсик» электрон тилини ўрганиш учун илмий программаларнинг катта туркуми, рус тили, математика, информатикага оид қўлланмалар мавжуд. Текстларнинг электрон редакторлари, графика редакторлари ва ҳатто музика редакторлари тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассисларга хизмат кўрсатишга тайёрдирлар. Ўсмирлар учун компьютер ўйинлари ишлаб турибди. Кооператив ташкилотчилари — ёш конструкторлар машғулотларни ўтказишда ўқитувчиларга методик ёрдам беришни ҳам режалаштирмоқдалар.

* * *

ШУЯ (Иваново области). Иваново области уруш ва меҳнат ветеранлари хори ўзининг ўттиз йиллигини янги концерт программаси премьерасини намойиш қилиш билан нишонлади. Шу йиллар мобайнида ҳаваскор артистлар деярли мингта концерт кўрсатдилар. Уларни чорак миллионга яқин томошабинлар тинглади. Хор санъати ташаббускорлари репертуарида революция, гражданлар ва Улуғ Ватан уруши даврлари, биринчи беш йилликлар қўшиқлари бор.

* * *

ВОЛОГДА. «Северянин» фотоклубида Ҳиндистон фотографияси усталарининг кўргазмаси очилди. Бу кўргазма шимолдаги ана шу шаҳарда намойиш этиш учун Калькуттадан келтирилган. Вологдалик фото усталар Ҳиндистонда ўтказиладиган СССР фестивалига жўнатиш учун ўз экспозициясини тайёрламоқдалар. Йил охиригача Вологдада чет элнинг яна бир кўргазмаси ўтказилади: Чехословакиядаги Хеб шаҳри фотогалереяси экспозицияси кўрсатилади.

* * *

ЙОШКАР-ОЛА. Йошкар-ола турли идораларининг раҳбарлари қабулига навбатлар анча сийраклашиб қолди. Шаҳарликларнинг ташвишлари камаймаган бўлсада, шаҳар ижроия комитети ҳузурида тузилган диққат-эътибор хизмати туфайли уларнинг турмушдаги муаммолари анча тез ва осон ҳал этила бошлади. Бу хизмат «ошкаралик телефони» дейилади. Эндиликда рўйхати маҳаллий газеталарда эълон қилинган номерлардан бири терилса бас — сизнинг арзингизни диққат-эътибор билан тинглабгина қолмай, шу заҳоти чора-тадбирлар кўриш ҳаракатида бўлишади, пухта маслаҳат беришади.

* * *

ТОМСК. Бу ердаги радиотехника заводидан «Томь-209-стерно» маркали кичик радио комплексларининг дастлабки туркуми савдога юборила бошланди. Комбайн таркибида стернофоник магнитофон, радио приёмник бор. Аппарат завод конструкторлик бюросида ишлаб чиқилган ва ҳамма деталларни Ватанимиз машина-ускуналарида ясалган.

* * *

ДУШАНБЕ. Ўтган кун маҳаллий вақт билан соат тунги учда юксак Помирдан оқиб тушаётган асов тоғ дарёси узлуксиз ўн беш соат мобайнида штурм қилингач, гидроқурувчилар измига бўйсинди. Бўлажак Рогун ГЭСи тўғонлари дарёни тўла тўхтатди. Энди унинг оқими минг метрга чўзилган тоннель узра оқади. Вахшнинг тўртинчи тўсилиши муваффақиятли тугалланди.

(ТАСС).

ДЕПУТАТ СЕССИЯДАН ҚАЙТГАЧ

Урганч районидаги Чапаев номли колхоз пахтачилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ўғилжон Худойберганова республика ҳокимияти олий органи анжуманларида фаол қатнашади. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг октябрь ойида ўтказилган олтинчи ва декабрь ойидаги еттинчи сессияларида кўрилган масалалар унинг бениҳоя тўлқинлантириб юборди. Биринчи йиғинда у пахта тайёрлаш плани бажарилгани, ҳар гектардан қариб 30 центнердан оқ олтин етиштирилгани ҳақида рапорт берганди. Кейинги сессияда уй-жой қурилишини ривожлантириш муаммоларини батафсил қараб чиқилгани унинг бошини осмонга етказди.

Ўғилжон Худойберганова пахтачиликда пудратнинг хосиятини ўз коллективи мисолида яққол ҳис этди. Ўтган йили 53 та оилавий звено колхоз правленияси билан шартнома тузганди. Астойдил меҳнат туфайли О. Ёқубова, Қ. Нуримов, Х. Матёқубова бошлиқ коллективлар ҳар гектар майдондан 40—45 центнердан пахта етиштирдилар.

Олий Совет сессияларида алмашлаб экишни жорий этиш, меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлашни янада яхшилаш масалаларини муҳокама этилганлиги тасодифий эмас. Чунки пахта мўл бўлса, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш салмоғи ошса даромад ҳам кўпаяди, уй-жой қурилиши кенг кулоч ёзди.

— Ўтган йили, — дейди Ўғилжон Худойберганова, — колхозчиларимиз қолоқ бригадалар ҳисобига йириклаштирилди. Экинзорларимиз 160 гектарга етказилди. Бедапоялярни кенгайтирдик, ариқ-зовурларни тозаладик, ички суғориш йўлларни барвақт тайёрлаб қўйилди. Натижа эса, юқорида таъкидлангандек, қувончли бўлди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг совет халқига Янги йил табригидан руҳланган пахтакорлар кузги-қишки ишларни авж олдириб юбордилар. Ҳамма бир тан-бир жон бўлиб бўлғуси мўл ҳосилга мустаҳкам замин тошш қўймоқдалар.

Ш. САТТОРОВ.

АҲОЛИГА— СИФАТЛИ МОЛЛАР

— Андижон трикотаж бирлашмасида янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб бу ерда севиб харид қилинаётган яна 150 хил янги маҳсулот ўзлаштирила бошланди. Бундай маҳсулотлар бирлашма ишлаб чиқараётган маҳсулот умумий ҳажмининг 80 процентини ташкил этади. Бу маҳсулотлар савдо ходимлари билан ҳамкорлик да харидорлар фикрини ўрганиш натижасида ишлаб чиқариш учун қабул қилинган. Фабрикаларда эскирган кўпгина дастгоҳлар янгиланди. Бу эса товарлар сифатини анча яхшилашга имкон берди. Трикотажчилар ўзининг ўзи маблағ билан таъминлашга ўтаётганлиги учун маҳсулот сифатининг яхшиланиши жуда муҳимдир. Улар брак маҳсулот ишлаб чиқаришдан келадиган зарарни анча камайтиришга муваффақ бўлдилар: агар ўтган йилнинг биринчи кварталида буюртмачиларга 12 минг сўм жарима тўланган бўлса, тўртинчи кварталга келиб атиги 1,5 минг сўм жарима тўланди.

(ЎзТАГ).

ҚУРИЛИШДА БУРИЛИШ БЎЛАДИ

«Узагропромстрой» бирлашмаси раисининг ўринбосари А. М. ТИТКОВ ҳикоя қилади

Ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилига қадам қўйдик. 1988 йил КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган партиянинг социал-иқтисодий стратегиясини амалга оширишда муҳим босқич бўлади. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш қувватларидан интенсив фойдаланиш, хўжалик механизмини такомиллаштириш негизида халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш ва шу асосда совет кишиларининг турмуш фаровонлигини юксалтириш партиямиз белгилаган ана шу бош йўлнинг пировард мақсадидир. КПСС Марказий Комитетининг агросаноат комплекси барча меҳнат коллективларига мактубида таъкидланганидек, 1988 йил кўзланган вазифаларни бажаришда бурилиш йили бўлиб қолиши зарур.

«Узагропромстрой» давлат-кооператив бирлашмаси қурилиш ташкилотлари, саноат корхоналари, автохўжаликлари ва бошқа бўлинмаларининг коллективлари жамиятимиз ҳаётидаги шундай ғоят масъулиятли даврда ўз зиммаларидаги вазифаларни қандай ado этмоқдалар?

Бунёдкорларимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги кенг нишонланган 1987 йилда қатор муваффақиятларга эришдилар. Партия XXVII съездида 2000 йилга қадар ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлашдек улуғвор вазифа қўйилди. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессиясида республикамизнинг 2000 йилгача мўлжалланган комплекс уй-жой программаси маъқулланди. Буларнинг ҳаммаси бирлашмамиз коллективлари, зиммасига катта масъулият юклаб, шу соҳада туб ўзгаришларга эришишни талаб этади. 1987 йилда уй-жой қурилиши борасида бирмунча ютуқлар қўлга киритилди: 1 миллион 200 минг квадрат метрдан зиёд турар жой фойдаланишга топширилди. Яъни 12 мингдан ортиқ оила янги уйларга кўчиб кириб, ҳовли тўйлари ўтказди. Бирлашмамиз коллективи шундай натижага биринчи марта эришди.

Бу борада ишлар жадаллашганлигининг омиллари ҳақида фикр юритганда энг аввало йигма қолипларга бевосита объектнинг ўзида керамзит ёки золобетон қуйишга асосланган яхлит уйсозлик барча областларда ривожланиб бораётганлигини таъкидлаш керак. Бу усул иш суръатини кескин ошириш, арзон маҳаллий хом ашё ресурсларидан, саноат чиқиндиларидан фойдаланиш имконини бермоқда. Тошкент, Фарғона, Сурхондарё областларида шундай технологияни йўлга қўйишда яхши тажриба тўпланди. Бу ютуқларни қайд этган ҳолда турар жой қурилишида ҳали кўпгина камчилик ҳамда нуқсонларга йўл қўйилаётганлигини, меҳнаткашлар уй-ларининг сифати хусусида ҳақли эътирозлар билдираётганликларини таъкидлаш зарур. Шунингдек, Қорақалпоғистон Автоном Республикасида, қатор областларда аҳоли маблағлари ҳисобига кооператив усулда, якка тартибда уй-жой қуришга етарли эътибор берилмаётганлигини айтиб ўтиш керак. Қабул қилинган қарорларда турар жой қурилишининг умумий ҳажмида бундай усуллар салмоғи 50 ва ундан ҳам ортиқ процентни ташкил этиши лозимлиги таъкидланган. Бирлашмамиз мутахассислари, областлардаги бўлинмаларимиз маҳаллий партия, совет ва хўжалик органлари билан ҳамкорликда ана шу даражага эришиш тадбирларини кўрмоқдалар.

Қишлоқни қайта қуриш, унга социалистик қиёфа бахш этиш, табиийки, турар жойлар тиклаш билангина чекланмайди. Бўлинмаларимиз мактаб, боғча, клуб, шифохона, савдо шоҳобчалари ва бошқа маданий-маиший бинолар бунёд этишаяпти. Жумладан ўтган йили 129 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 30 минг ўринли болалар боғча-ясслари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳунар-техника билим юртларини барпо этиш плани ҳам бажарилди.

Агросаноат комплексининг тараққиёти кўп жиҳатдан тармоқ моддий-техника базасининг ривожлантирилишига, янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилишига, мавжуд корхоналар серунум машина-механизмлар билан қайта қуроллантирилишига боғлиқ. Қурувчиларимиз бу ишга ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар. 1987 йилда 5 миллион бройлер, 500 минг товуқ боқиладиган паррандачилик фабрикалари, 25 минг тонна сабзавот ва мева сақланадиган омборлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2-«Хорезмоблагропромстрой» бирлашмаси ва унинг ёрдамчи пудратчи ташкилотлари Урганчда «Кормаш» заводини ишга туширишди. Бу корхонада йилига 12 миллион сўмлик маҳсулот — озуқа экинларини йиғиштириб олишда қўлланиладиган техника воситалари ишлаб чиқарилади.

Район марказлари, йирик аҳоли пунктларидаги мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи ҳозирги пайтда муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда бу жойларда саноат корхоналари бунёд этилмоқда. Бирлашмамиз бўлинмалари ўтган йили Янгийўлда пойафзал, Қорақўлда ип йигирув, Фориш да гилам тўқиш, Тошлоқда эса нотўқима газламалар фабрикаларини ишга тушириб, долзарб муаммонинг ечимига ўз улушларини қўшдилар.

Бир юз эллик минг кишилик коллективимиз ўн иккинчи беш йиллик учинчи йилида ҳам улкан бунёдкорлик ишларини ado этишга азму қарор қилган. Бўлинмаларимиз 1988 йилда 1 миллиард 54 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришлари зарур. Бу — ўтган йилгидан 4,9 процент кўп. Ажратилган капитал маблағнинг 80 процентга яқини агросаноат комплексини ривожлантиришга йўналтирилади.

Уй-жой қурилиши бу йил ҳам диққат марказида туради. 1987 йилдагидан 200 минг квадрат метр ортиқ, яъни 1 миллион 490 минг квадрат метр сазнли турар жойларни фойдаланишга топшириш планлаштирилган. Мактаб, болалар боғчалари, ҳунар-техника билим юртлари, маданий-маиший бинолар қурилиши алоҳида эътиборда бўлади. Жумладан, 7.780 ўринли ҳунар-техника билим юртлари қурилиб битказилади.

Бурилиш йилининг зарбдор қурилишлари ҳақида гап борганида Наманган область Тўрақўрғон районидаги мева қуритиш заводини, Жиззах область «Москва» колхозидаги йилига 3 миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқарадиган консерва заводини, Андижон область Хўжаобод районидаги Киров номли агросаноат комбинатига қарашли йилига 7 миллион дона полимер яшчиклар тайёрланадиган корхонани, Сирдарё область Оқолтин станциясидаги бир йўла 50 минг тонна пахта толасини сақлашга мўлжалланган улкан омборни, Хоразм области ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасидаги темир-бетон конструкциялари заводларини, Гулистондаги дурадгорлик буюмлари ишлаб чиқариладиган корхонани биринчилар қаторида тилга олиш зарур. Уларнинг ишга туширилиши агросаноат комплекси моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, етиштирилаётган маҳсулотларни аҳолига нест-нобуд қилмай етказиб беришга, ноз-неъматларни янада кўпайтиришга хизмат қилади. Мева ва сабзавотни яхши сақлаш ҳозирги пайтда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шуни ҳисобга олиб 1988 йилда омборлар қурилишига 27 миллион сўм сарфланади, 51 минг тонна маҳсулот сақланадиган қувватлар ишга туширилади. Бу 1987 йилдагидан икки баравар кўпдир. Шундай омборларнинг энг йириклари Жиззах областидаги Мичурин номли, Қорақалпоғистондаги «СССР 60 йиллиги» совхозларида барпо этилади.

Ҳозирги пайтда капитал маблағларнинг анчагина қисми мавжуд корхоналарни реконструкция қилишга, эскириб қолган ускуналарни серунумлари билан алмаштиришга сарфланмоқда. 1988 йилда айни шу йўналишда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади. Нукус, Қарши, Бўстонлиқ сут заводлари, Термиз, Беруний, Каттақўрғон гўшт, Фарғона, Андижон, Янгийўл ёғ-мой комбинатлари, Наманган, Когон, Гулистон ёғ-экстракция, Қувасой ҳамда Янги Тошкент консерва заводлари ва бошқа корхоналарда реконструкция ишлари олиб борилади. Андижон консерва заводининг янги ускуналар билан жиҳозланиши болаларга мўлжалланган маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш имконини беради.

Белгиланган марралар улкан. Уларни тўла-тўкис бажариш уюшқоқлик билан меҳнат қилишни, социалистик мусобақани авж олдиришни, бригада пудрати синдан илғор усулларни кенг қўлланишни, модий-техника таъминотида қатъий тартиб ўрнатишни тақозо этади. Бирлашмамиз бўлинмаларида бригада, коллектив пудратни янада ривожлантириш мақсадида меҳнатни илмий ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш республика маркази тузилган. Унинг зиммасига 1988 йилда масъулиятли вазифалар юкланди.

Бу йил Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ўтказилади. Партиямиз ва халқимиз ҳаётидаги ана шу муҳим воқеа шарафига ҳамма ерда социалистик мусобақа қизитиб юборилмоқда. Кўпгина меҳнат коллективлари қатори бирлашмамиз ташкилотлари, саноат корхоналари, автохўжаликлари, бошқа бўлинмаларининг ишчи-хизматчилари ва инженер-техник ходимлари мамлакатимиз коммунистларининг анжуманини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш юзасидан ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилаяптилар. Бунёдкорларимиз бурилиш йили бўлиб қоладиган 1988 йилда ажойиб муваффақиятларга эришиб, қишлоқларимизга социалистик қиёфа бахш этиш иштиёқидадирлар.

Суҳбатни мухбиримиз И. АХМЕТОВ ёзиб олди.

СУВ РЕСУРСЛАРИ ҲИСОБЛАНМОҚДА

Сирдарё сув ресурсларини ҳисобга олиш эндиликда электроника зиммасига юклатилди. Ўзбекистон пойтахтида Ўрта Осиёдаги энг катта дарёлардан бири бутун бир ҳавзасини бошқаришнинг автоматлаштирилган системаси — «АСУ — Сирдарья»нинг қудратли электрон-ҳисоблаш машинаси ишга туширилди.

Деярли уч миллион гектарлик территорияда сувни тақсимлаш ва ундан фойдаланишни контрол қилиш учун сув хўжалиги республикалараро бошқармаси — Сирдарё сув хўжалиги бошқармаси тузилди. Бу бошқарма Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қозоғистонга хизмат қилади. Дарё ҳавзасининг турли нуқталаридан Сирдарё ўзанлари ва ирмоқларида бўлган сув запасларини ҳақидаги маълумот, шунингдек гидрометеорология хизматининг ана шундай материаллари марказий электрон-ҳисоблаш машинасига келиб тушади. Бу маълумотларни ишлаб чиқиш бутун регионда сув таъминоти манзарасини аниқ кўрсатиб беради. Бундан ташқари, электроника ҳар бир деҳқончилик районида сув сарфи нормаларини ҳисоблаб чиқади, хўжаликка сув етказиб бериш графигини қатъий асосланган эҳтиёжга мувофиқ белгилайди.

Бу эса экинларни суғориш даврида контролсиз, истаганча сув олиш практикасига чек қўйиш имконини беради. Чунки ҳозир айрим хўжаликларгина эмас, шу билан бирга районлар, областлар ҳам кўпроқ сув олишга уринаётганлари сир эмас. Бунда улар дарё қуйи оқимида жойлашган регионларнинг манфаатларини ва баъзан ўз манфаатларини ҳам унутиб қўймоқдалар: ортиқча сув экинга наф бермайди, балки зарар келтиради.

Электрон-ҳисоблаш машинасининг мулоқот режимида ишлаши сув ресурсларини тақсимлашнинг бир қанча вариантларини ишлаб чиқиб, улардан энг мақбулини танлаб олишга имкон беради. Бунда у ёки бу қишлоқ хўжалик экинларининг халқ хўжалиги учун қанчалик муҳимлиги, йил фасли, хўжаликнинг қаерда жойлашганлиги, бошқа сув манбаларининг мавжудлиги каби омиллар ҳам ҳисобга олинади. Режим танлаб олинганидан кейин қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини контрол қилиш ҳам машина зиммасига юклатилади.

Келажакда компьютер маълумотлари сувдан фойдаланишнинг йиллик давлат планини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

А. БЕЗВЕРХОВ.
ЎзТАГ мухбири.

Хива районндаги Фрунзе номли колхознинг сут-товар фермасида янги озуқа цехи ишга тушди. У замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган. Натижада моллар рациони бойиб, озуқа сифати яхшиланаяпти. Фермада сигирлар парваришн алоҳида эътиборда бўлаётгани учун ҳам маҳсулдорлик ўсмоқда.

СУРАТДА: озуқа цехи оператори Каримбой Отажонов.

К. ОТАЕВ фотоси. (ЎзТАГ).



В. И. Ленин номли Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати коллективи Мирзачўл, Жиззах дашти, Қарши чўлидаги қурилишларга кўплаб темир-бетон устунлар, тўсинлар, қувурлар ҳамда бошқа ускуналар етказиб бермоқда. Корхонада иш суръатини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида илғор технологиялар кенг қўлланилаяпти.

СУРАТДА: комбинатнинг ишлаб чиқариш участкаларидан бири.

О. АДИЯНОВ фотоси.

МАКТАБДА ТУЗИЛГАН КООПЕРАТИВ

Ховос посёлкасидаги «Малиш» кооперативи банкда ўз счётини очди. Аниқроқ қилиб айтганда, бу Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. Тумакшин номидаги 89-ўрта мактабда тузилган Ўзбекистонда биринчи мактаб кооперативидир. Янгиер шаҳар ижроия комитети янги жамоат ташкилотини рўйхатга олди. «Орзу» магазинида унинг «Фирма» бўлими очилишига ёрдам берди.

Оталиқ ташкилотлари кооператив тузилишига кўп жиҳатдан кўмаклашдилар. Локомотив депоси ва Янгиер тикувчилик-галантерея буюмлари фабрикаси уч йил олдин мактаб билан шартнома тузган эдилар. Оталиқ ташкилотлари ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарини машина-ускуналар билан жиҳозлаш, ўқувчилар эса буюртмаларни бажариш мажбуриятини олган эдилар. Бу буюмлар унчалик мураккаб бўлмаса-да, уларни ясаш болалардан масъулиятни, диққат-эътиборни талаб қиларди. Аста-секин юқори синф ўқувчилари маҳсулот тайёрлашда тажриба орттирдилар. Йигитлар токарлик станокларида моҳирлик билан ишлайдиган бўлиб қолдилар, қизлар эса тикувчиликни беқилиб ўргандилар. Натижада улар бажарган ишга бирорта ҳам эътироз тушмади.

Тўғри, шартнома доираси ўқувчиларни бирмунча чеклаб қўяр эди. Ўқувчиларнинг мустақил ижодкорлиги учун эса кенг имконият бўлиши зарур. Ана шунда кооператив тузиш ғояси вужудга келди. Тажрибали ишлаб чиқариш таълими усталари Г. Наседкина, А. Хомяков ва В. Хомяковлар бу ғояни қўллаб-қувватладилар. Табиийки, ташкилий масалаларни катталар ҳал этишди, улар «Малиш»даги ишлар графигини тартибга солишди, чунки болалар бу ерга ўқишдан бўш вақтларида ҳамда ишлаб чиқариш таълими соатларида келардилар.

«Малиш» тузилиши билан маҳсулот турлари анча ўзгарди. Масалан, тикувчилик цехида бажарилиши шарт бўлган буюртмалар қаторига буюмларнинг 22 тури қўшилди. Қизлар ёстиқ жилдлари, сочиқлар, болалар кўйлакларини, чақалоқлар учун кийимкечаклар, яъни бу ерда талаб катта бўлган буюмларни тика бошладилар. Банк томонидан берилган дастлабки кредит ҳисобига газлама сотиб олинди.

— Кооператив ишга муносабатни дарҳол ўзгартириб юборди, — дейди Г. Наседкина. — Эндиликда қизларим шунчаки тикишмаяпти, балки ҳисоб-китоб қилишни ҳам ўрганишмоқда, бозорда қайси буюмларга талаб катталиги билан қизиқмоқдалар, ўз меҳнатларини ўзлари рационал ташкил этишга, вақтдан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Иш ҳажми ҳам ортди, бир ой ичида олти минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш керак, илгари шунча маҳсулот бир йилда тайёрланар эди.

Йигитлар эса санитария-техника ускуналари, турли гайкалар, болтлар ясамоқдалар, бундай буюмлар ҳам магазинларда туриб қолмайди. Кооперативнинг ҳамма аъзолари меҳнатдаги иштироки коэффициентига мувофиқ ҳақ оладилар, коэффициентни эса бригада кенгаши белгилайди.

«Малиш» аъзолари учун кооперативда ишлаш ишлаб чиқариш таълимининг практика билан ғоят мақбул равишда қўшиб олиб борилишидир.

Г. ОГОРОДОВ, ЎзТАГ мухбири.

МУСТАҲКАМ ЗАМИН

Фазлиддин Иброҳимов бошқарувчилик қилаётган бўлим чўлқуварлари Ильич номли совхозда ҳаммадан аввал шудгорлашни тугаллашди. 401 гектар ер чуқур қилиб ҳайдалди. Бу ишда Қосим Умаров, Зокир Алиев, Абдували Жўрқинов, Жўрабой ва Алижон Кенжаев каби механизаторлар гайрат кўрсатишди. Бўлим коллективи бошқа юмушларни ҳам қизғин амалга ошираяпти. 370 гектар шўр ювишга тайёрланди.

Набижон Ашуров, Собитали Деҳқонов раҳбар бўлган бўлимларда ҳам беш йилликнинг учинчи йили ҳосилига мустаҳкам пойдевор қўйилмоқда.

Э. ҚАЮМОВ.

Задарё райони.

ҲАММАСИ ХУШХАБАР

Ульянов район Жанов қишлоқ Совети депутатлари халқ хўжалигини ривожлантириш ва аҳоли турмуш маданиятини ошириш масалаларига тобора кўпроқ эътибор беришмоқдалар. Сўнгги чақирик маҳаллий Советларга сайловлардан бўён Ульянов ва Ғафур Ғулом номли хўжаликларда давлат планларининг бажарилиши, ҳамқишлоқларга маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи кун тартибига бир неча марта қўйилиб, жиддий муҳокама этилди. Натижада сайловчиларнинг марказий посёлкани табиий газ билан таъминлаш, водопроводлаштириш, Шайхзода номли мактабнинг янги биноси қурилишини тезлаштириш, Каттақўрғон районидаги «Ленинград» колхозларида, Жданов номли, ибн Сино номли совхозларда бундай «ишбилармон»ларга эрк бериб қўйилгани фош этилди.

Мисоллар:

1. Хўжам Худойбердиевнинг Вағашти қишлоғида эмас, бошқа жойларда ҳам яхши танишарди. У бир қатор нашавандлар билан «дўстлик» алоқаларини ўрнатганди. Бу алоқани жарақ-жарақ пул мустаҳкам боғлаганди. У наша сотаётган да қўлга тушди. Уйидан ўн олти килограммдан зиёд наша, қариб икки ярим килограмм кўкнор чиқди. Х. Худойбердиев икки йилга озодликдан маҳрум этилди.

2. Тоҳир Саидов 1960 йилда туғилган. Почвани қишлоғида яшаса-да, нашавандлар «қароргоҳ»ларига тез-тез сафар қиларди. Кунлардан бир куни у икки килограмм наша билан қўлга тушди. Энди тўрт йил давомида унинг тушига фақат ана шу икки килограмм наша эмас, балки қўлидан ўтган анчагина «мадор дори» кириб турса не ажаб?!

3. Насриддин Насимов эса қўлини узатса Тошкентдаги гиёвандга етарди. У уйи-да «дўкон» очди. У ёқишининг хонаи муҳтарамаларига бош суқилганда 23 килограмм наша, анчагина кўкнор ва «бойлик илдизи»нинг қарийб бир килограмм уруғи топилди. Насриддин Насимов ҳам тўрт йилга «сафар»га жўнатилди.

— Бу соҳадаги кураш ҳали...

— Ҳали давом этаяпти. Жойларда суҳбатлар ўтказаяпмиз, лекциялар ўқидик. Маҳаллий Советлар, комсомол ташкилотлари, хўжаликлар раҳбарлари, бригадирларни огоҳлантирдик; 1988 йилда уларнинг территорияларида наркотик модда олинадиган ўсимликлар экилса, айбдор билан баравар жавоб беришади.

1987 йилда «Қора лола» операцияси ўтказилиб, унда РАПО, район соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари ҳам қатнашдилар. Корхона ва ташкилотлар, хўжалик раҳбарларига 55 та фикрнома юборилди. Бу ишларда жиноят қидирув бўлими бошлиғи, милиция капитани О. Зиётов, шу бўлинма ходимлари С. Хурсандов, А. Саидов ва кўлгина участка инспекторлари фаол қатнашдилар.

— Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми СССР Олий Совети Президиумн номидан бир гуруҳ милиция ходимлари қатори Самарқанд областидан сизни «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун» медали билан тақдирлади. Юксак мукофот билан табриклаймиз.

— Раҳмат. Бу катта масъулиятга чорловдир. Ургутда жамоат тартибини сақлаш бўйича дастлабки қадамлар ташланди. Ҳали кўп иш олдинда. Ҳозир партия, совет ташкилотлари бутун диққатимизни ана шунга қаратганлар. Токи осойишталик ҳамроҳимиз бўлсин, социалистик мулкни кўз қорачиғидай асрайлик, интиқом ҳар бир лаҳзада сезилиб турсин.

Ички ишлар бўлими ҳаётидан лавҳа:

— Навбатчи эшитади!

— «Учқаҳрамон»да, Бешёғоч қишлоғидаги тоқзорда одам жасади...

Машиналар йўлга чиқди. Бирида прокурор, терговчи, бирида милиция ходимлари... Жасад куйдирилган эди. Даҳшат! Инсон боласи шунчалик ваҳший бўладими! Бошига нимадир ўралган. У куйиб терига ёпишган. Вужуд жизғанак бўлган. Қотил! Қотил?! Қотил қаерда?! Жасаднинг битта бармоғи калта эди. Шу дастлабки «калити» бўлди. 10 август куни воқеа содир этилган жойда уч ярим соат кузатиш олиб борилди. 11 август тонгда 22 кишидан иборат оператив-тергов группаси тузилди. Катта лейтенант И. Олтибоев, капитан О. Зиётов, майор П. Элмуродов, капитан С. Равшанов, участка инспекторлари У. Мустафоев, О. Саломов...

Ўткир Тўлаев ҳар куни доклад қабул қилди. 16 август куни гумондор шахс Тўхта Раҳмонқулов сўроққа тутилди. «Мен Самарқанд районидаги «Ленинизм» совхозида звено бошлиғиман. Марҳумнинг ҳам тоғаси, ҳам қайнотаси бўламан. У қизим билан жанжаллашди. Қизим чиқиб келди. Куёвим яна жанжал бошлади. Ўғилларим Ҳофиз, Қаҳҳор, Бчён, Сувонқул, Саид шу ерда эди. Куёвим Бобомуродов Дилмуроднинг қўлини орқасига боғлаб, ўз машинамда Ургутга олиб бордим, тоқзорга ташлаб, устидан бензин сепдим-да ёқиб юбордим...». Даҳшат! Ваҳшийлик! Область суди қотилни 15 йилга, қотиллик иштирокчилари Қаҳҳорни 11 йилга, Ҳайдаркул Раҳмонқуловни 10 йилга, Ҳофиз Раҳмонқуловни икки йилга озодликдан маҳрум этди.

Ҳа, ҳали хавфли қўнғироқ бўлмайди деб ҳеч ким қафолат беролмайди. Шунинг учун ҳам ҳақиқатни такрорлаб туринг, токи инсон боласи ваҳшийликдан узоқ бўлсин.

Ж. МАМАТОВ.

ЖАМИЯТ. ИНСОН. ҚОНУН.

ҲАҚИҚАТНИ ТАКРОРЛАБ ТУРИНГ

Ургут район ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Ўткир ТЎЛАЕВ билан мулоқот

Ҳозирги шиддатли давр барча соҳа ходимлари олдига муҳим, долзарб, кечиктирилмас вазифаларни қўймоқда. Ҳақиқатни устивор этиш, осойишталикни таъминлаш, тартиб-интизомни доимо юксак савияда сақлаш, социалистик мулкини қўриқлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги талаб совет милициясининг масъулиятини оширди. Қайта қуриш даври милиция ходимлари учун, айниқса покланиш, халқ ишончини оқлаш, юксалишга одилона хизмат қилишга асос яратди. Ургут район ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Ўткир Саидович Тўлаев билан суҳбатда ана шу хусусда сўз боради.

ИШОНЧ ИШНИ ЕНГИЛЛАТАДИ

— Ўткир Саидович, кейинги йилларда Ургут ҳақида сўз борганда кишилар унинг минг йиллардан буён яшаётган чинорлари, Тўпхонада ўтадиган дилтортар тадбирлар, олис-олисларга борадиган «Саломатлик сўқмоқлари» тўғрисида эмас, балки савдогарлар, идорама идора юрувчи «ҳақиқатчи»лар, далага боласини қувиб, ўзи «дунё кезувчи» чаққонлар ҳақида гапирадиган бўлишганди. Аввало ана шу вазиятнинг юзага келиши ва сўнгра уни ижобий ҳал этишнинг йўллари қидирилгани хусусида гаплашсак...

— Ҳақиқатан ҳам тўғри масалани ўртага қўйдингиз. Аввало шуни айтишим керакки, Ургут халқи ниҳоятда меҳнаткаш, заҳматкаш халқ. Тамакининг уқубати жуда оғир, пахтакорнинг меҳнатидан ҳам мушкулроқ иш. Ана шундай оғир юкни кўтараётган халққа ҳар кун бир бор таъзим қилса ҳам оз. Лекин таассуфки, кейинги йилларда ҳар тарафлама назорат бўшашиб кетгани барча жойда бўлганидек Ургутда ҳам текинхўрлар, порахўр, хиёнатчиларга «яшил йўл» очиб берди. Оқибатда бу ҳунук иллатлар Ургутнинг меҳнат билан таралган донғини пасайтириб қўйди. Айниқса савдогарчилик, олибсотарчилик чуқур илдиз отди.

Мана энди қайта қуриш шамоли эса бошлагач, ана шу иллатлар йўлига ғов қўйилди. Меҳнатсиз даромад кўрувчилар бундан уч-тўрт йил олдин бир неча минг кишини ташкил этган бўлса, ҳозир барча ҳалол иш ортидан кун кечирмоқда. Ўтган йили яна ана шу масалага қайтдик. Натижада 65 киши ишламай юргани аниқланди. Улардан 61 нафари ишга жойлаштирилди. Икки нафари эса даволаш-меҳнат лагерига, яна икки нафари жиноий жавобгарликка тортилди.

— Ички ишлар бошқармаси ҳам Ургут алоҳида, «қуюқ», «булоқлари» сероб жой ҳисобланарди...

— Ҳа, текинхўрлик ички ишлар бошқармасининг ҳам, КПСС Марказий Комитетининг ҳам бу хусусдаги қарори, ҳукуматнинг қатор ҳужжатлари асосида ички ишлар бошқармасининг ҳам ички ишларга қарши кураш олиб борилди.

Мисоллар: (1986—1987 йиллар воқеалари)

1. Мирсаъди Умаров ҳали эндигина қирқ ёшдан ошган бўлса-да, ўзини «ярим та» санаб магазин қоровуллигини ихтиёр этди. Қайроқли қишлоғининг ақли «қайроқ» бу йигити тунда арақ пуллаб, хазина яратиш ишқига тушди. У 20 та арақнинг ҳар бирига ўзи «тўғунган» «шапка»дан қўйиб сотаётганда қўлга олинди.

2. Торинжаклик Олим Акобиров 14-магазинда мудир бўлиб ишларди. У «яшириб сотиш» усули муаллифларидан биридир. Магазин тинтув қилинганда кўп эмас, кам эмас 113 шиша арақ бекитиб қўйилгани аниқланди. Жўралари, ёр-дўстлари учун сақлаб қўйган эмиш.

3. Ўзи оқ, қилмиши қора бўлмиш арақ бир қатор аёлларни ҳам жиноятга етаклади. Раъно Холмуродова ўн шиша арақнинг ҳар бирини 20 сўмдан сотаётганда қўлга тушди. Мукаррам Шукурова, Махфират Гадоева каби аёллар ҳам шу «усул»ни қўллаб бойимоқчи бўлишганди. Лекин бундай «кооперативчилар»нинг фаолиятлари узоққа бормади.

— Ўткир Саидович, бундай воқеалар такрорланмаслигига ким кафолат бера олади?

— Афсуски, ҳеч ким. Аммо ошкоравийлик ана шу кафолат йўлидаги илк қадамдир. Ҳар бир воқеадан кейин маҳалла ёки қишлоқда йиғинлар чақирилмоқда. Район газетаси, радиоси орқали қилмишлари фош бўлганлар эл орасида бош кўтаролмай қолишаяпти. Айни пайтда участка инспекторларига нисбатан талаб кучайтирилди. Улар ҳар бир ҳолни чуқур таҳлил этишлари учун шароит яратаяпмиз. Масалан, бир куни участка инспектори «Ургут» совхозида яшовчи коммунист Расул Рустамов жамоат жойида ичкиликбозлик қилгани ва тартибни бузганини маълум қилди. Р. Рустамовга жарима солинди ва коммунистнинг қиёфаси ҳақида райкомга тавсиянома киритилди. Район ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш корхонаси партия ташкилоти йиғилишига участка инспектори, милиция капитани Нурилла Каримовнинг ўзи борди ва унинг қилмиши ҳақида коммунистларга гапириб берди. Йиғилишда Р. Рустамовга партиявий жазо берилди. Бошқа жойларда ҳам ана шу усулни қўллаяпмиз. Илгари хат юборардик. Кўп ҳолларда муҳокама қилмасдан ёки масалани йўлигагина қараб чиқиб жавоб ёзишарди. Энди участка инспектори иштирокида ўтказилаётган муҳокамалар анча таъсирчан бўлаяпти. Жиноятчилик камайиб бораётгани ҳам участка инспекторлари халқ орасига киришаётгани, одамлар билан ҳамкорликда ишлашаётгани самарасидир.

— Суҳбатимиз участка инспекторларига боғланди. Шу ўринда улардан бири ҳақида гапириб берсангиз. Участка инспекторларининг обрў-эътиборини ошириш борасида партия ва ҳукуматимиз алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Улар ҳақида сўзлаш, меҳнатларини қадрлаш ҳам ғамхўрликнинг бир ифодасидир.

— Обрў-эътиборли инспекторлардан бири — Ражаб ака Маҳмадов. У 1960 йилдан буён шу соҳада ишлайди. Ҳалол-покиза меҳнати туфайли обрў қозонган. Бирор марта танбеҳ олган эмас. Оиласида саккиз фарзанди, олти невараси бор.

Участка инспектори ҳаётидан лавҳа: 1987 йилнинг 23 ноябри. Жозмон қишлоғида яшовчи Суюнбой Холмуродов унга рўбарў бўлди.

— Ражаб ака, машинамнинг баллонларини, аккумуляторини ечиб кетишибди. Қўшнимизнинг мотоцикли ҳам йўқ.

Р. Маҳмадов ички ишлар бўлимига хабар қилди. Жиноят қидирув бўлимлари ходимлари билан воқеа содир этилган жойни кузатишди.

Участка инспектори суриштириб-суриштириб шубҳали шахсларга «чиқди». Самарқанд районининг Жумабозор қишлоғида яшовчи Ҳуррам Бозоров милиция ходимидан ширин суҳбатни кутмаганди.

— Ўғлим, сени шу ерларда оралаб юрганингни кўришган экан. Ўғирлик нарсаларни эгасига қайтар, ишинг енгиллашади...

Р. Маҳмадов аста-секин ўғрининг «дили»га кириб борди ва дўқ-пўписасиз, илиқ муносабат билан айбини бўйнига қўйди. У етти марта ўғирлик қилгани, ҳамтовоқлари кимлар эканлигини айтиб берди.

Ҳа, участка инспектори Р. Маҳмадов хамирдан қил суғургандек, жиноятни жуда усталик билан фош этишига кўплар қойил қолган.

РАҚАМЛАРДАН ЭМАС, ОДАМЛАРДАН СЎРАНГ

— Ўткир Саидович, ҳозир қайта қуриш даврида милиция ишини рақамлар билан баҳолашга чек қўйиш ҳақида турли таклифлар тушмоқда. Дарҳақиқат, рақамларгагина ошифта бўлиш худди план кетидан қувишга ўхшагандек ярамас ҳолга замин яратмайдими?

— Ҳар бир ишнинг ўз мезони бўлади. Ҳақиқатан ҳам милиция фаолиятини баҳолашда фақат рақамларга асосланиш бир ёқламаликдир. Яқинда область партия комитети бюроси мажлисида область ички ишлар бошқармаси партия комитети иши муҳокама қилинди. Ҳамма рақамлар, кўрсаткичлар яхши. Лекин обком бюроси бошқарма парткоми ишини қониқарли эмас деб баҳолади. Буни бошқарма раҳбарлари тўғри қабул қилдилар ва тегишли тадбирлар белгиладилар. Демак, ҳамма жойда ўз-ўзидан рақамларга қараб эмас, балки аҳвол, муҳит, одамларнинг муносабатлари асосида хулоса қилиш вазияти вужудга келмоқда. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги махсус анкета орқали саволлар билан мурожаат қилди. Ҳа, халқнинг баҳоси билан фаолиятни таҳлил этиш йўли бошланди. Бу эса ҳақиқат йўлидир.

Айни пайтда ҳисоб-китобни ҳам асло унутмаслик керак, таҳлил учун жуда зарур.

— Яхши. Юқорида алкоголизм ҳақида фикр юритдик. Маълумки, гиёвандликка қарши кураш ҳам шу қадар аҳамиятли. Илгари бу хусусда гапир олмас эдик. «Қопнинг оғзи берк» эди. Ҳозир қопни агдариб юборсак, ундан нималар тўкилади?

— Ана шу оғзи маҳкам қоп ишимизга анча тўғаноқ бўлганди. Энди қопнинг ўзи йўқ, ҳаммаси ошкора. Районимиз тоғли зона бўлгани учун ҳам кўкнор экиш имконияти бор эди. 1987 йилда 3.592 квадрат метр ерда наша ўсимлиги аниқланди ва йўқ қилинди. Шу асосда 49 кишига нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Ильич номли, Калинин номли, «Октябрь», «Ленинград» колхозларида, Жданов номли, ибн Сино номли совхозларда бундай «ишбилармон»ларга эрк бериб қўйилгани фош этилди.

Мисоллар:

1. Хўжам Худойбердиевнинг Вағашти қишлоғида эмас, бошқа жойларда ҳам яхши танишарди. У бир қатор нашавандлар билан «дўстлик» алоқаларини ўрнатганди. Бу алоқани жарақ-жарақ пул мустаҳкам боғлаганди. У наша сотаётган да қўлга тушди. Уйидан ўн олти килограммдан зиёд наша, қариб икки ярим килограмм кўкнор чиқди. Х. Худойбердиев икки йилга озодликдан маҳрум этилди.

2. Тоҳир Саидов 1960 йилда туғилган. Почвани қишлоғида яшаса-да, нашавандлар «қароргоҳ»ларига тез-тез сафар қиларди. Кунлардан бир куни у икки килограмм наша билан қўлга тушди. Энди тўрт йил давомида унинг тушига фақат ана шу икки килограмм наша эмас, балки қўлидан ўтган анчагина «мадор дори» кириб турса не ажаб?!

3. Насриддин Насимов эса қўлини узатса Тошкентдаги гиёвандга етарди. У уйи-да «дўкон» очди. У ёқишининг хонаи муҳтарамаларига бош суқилганда 23 килограмм наша, анчагина кўкнор ва «бойлик илдизи»нинг қарийб бир килограмм уруғи топилди. Насриддин Насимов ҳам тўрт йилга «сафар»га жўнатилди.

— Бу соҳадаги кураш ҳали...

— Ҳали давом этаяпти. Жойларда суҳбатлар ўтказаяпмиз, лекциялар ўқидик. Маҳаллий Советлар, комсомол ташкилотлари, хўжаликлар раҳбарлари, бригадирларни огоҳлантирдик; 1988 йилда уларнинг территорияларида наркотик модда олинадиган ўсимликлар экилса, айбдор билан баравар жавоб беришади.

1987 йилда «Қора лола» операцияси ўтказилиб, унда РАПО, район соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари ҳам қатнашдилар. Корхона ва ташкилотлар, хўжалик раҳбарларига 55 та фикрнома юборилди. Бу ишларда жиноят қидирув бўлими бошлиғи, милиция капитани О. Зиётов, шу бўлинма ходимлари С. Хурсандов, А. Саидов ва кўлгина участка инспекторлари фаол қатнашдилар.

— Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми СССР Олий Совети Президиумн номидан бир гуруҳ милиция ходимлари қатори Самарқанд областидан сизни «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун» медали билан тақдирлади. Юксак мукофот билан табриклаймиз.

— Раҳмат. Бу катта масъулиятга чорловдир. Ургутда жамоат тартибини сақлаш бўйича дастлабки қадамлар ташланди. Ҳали кўп иш олдинда. Ҳозир партия, совет ташкилотлари бутун диққатимизни ана шунга қаратганлар. Токи осойишталик ҳамроҳимиз бўлсин, социалистик мулкни кўз қорачиғидай асрайлик, интиқом ҳар бир лаҳзада сезилиб турсин.

Ички ишлар бўлими ҳаётидан лавҳа:

— Навбатчи эшитади!

— «Учқаҳрамон»да, Бешёғоч қишлоғидаги тоқзорда одам жасади...

Машиналар йўлга чиқди. Бирида прокурор, терговчи, бирида милиция ходимлари... Жасад куйдирилган эди. Даҳшат! Инсон боласи шунчалик ваҳший бўладими! Бошига нимадир ўралган. У куйиб терига ёпишган. Вужуд жизғанак бўлган. Қотил! Қотил?! Қотил қаерда?! Жасаднинг битта бармоғи калта эди. Шу дастлабки «калити» бўлди. 10 август куни воқеа содир этилган жойда уч ярим соат кузатиш олиб борилди. 11 август тонгда 22 кишидан иборат оператив-тергов группаси тузилди. Катта лейтенант И. Олтибоев, капитан О. Зиётов, майор П. Элмуродов, капитан С. Равшанов, участка инспекторлари У. Мустафоев, О. Саломов...

Ўткир Тўлаев ҳар куни доклад қабул қилди. 16 август куни гумондор шахс Тўхта Раҳмонқулов сўроққа тутилди. «Мен Самарқанд районидаги «Ленинизм» совхозида звено бошлиғиман. Марҳумнинг ҳам тоғаси, ҳам қайнотаси бўламан. У қизим билан жанжаллашди. Қизим чиқиб келди. Куёвим яна жанжал бошлади. Ўғилларим Ҳофиз, Қаҳҳор, Бчён, Сувонқул, Саид шу ерда эди. Куёвим Бобомуродов Дилмуроднинг қўлини орқасига боғлаб, ўз машинамда Ургутга олиб бордим, тоқзорга ташлаб, устидан бензин сепдим-да ёқиб юбордим...». Даҳшат! Ваҳшийлик! Область суди қотилни 15 йилга, қотиллик иштирокчилари Қаҳҳорни 11 йилга, Ҳайдаркул Раҳмонқуловни 10 йилга, Ҳофиз Раҳмонқуловни икки йилга озодликдан маҳрум этди.

Ҳа, ҳали хавфли қўнғироқ бўлмайди деб ҳеч ким қафолат беролмайди. Шунинг учун ҳам ҳақиқатни такрорлаб туринг, токи инсон боласи ваҳшийликдан узоқ бўлсин.

Ж. МАМАТОВ.

АЖАБ САВДОЛАР

ЮЗ БИР ЙИЛҚИ ҒАВҒОСИ

Нурота тоғ тизмалари этакларида тўда-тўда бўлиб, осойишта ўтлаб юрган отлар ҳақида район ташкилотларига имзосиз хат тушди. Унда «Москва» колхозининг юздан ортиқ йилқиси Қўшработ яйловларида боқилаётгани, бияларидан йилига атиги 2—3 та той олинаётгани, отбоқарлар кўпдан буён ўнлаб қулунларни ўзларининг ҳисобларига ўзлаштириб келишаётгани кўрсатилган эди.

Шундан кейин кимсасиз даштликларда тариқдек сочилиб юрган асов отлар бир амаллаб ҳисоблаб чиқилди. Йилқичилик фермаси мудири А. Абдураимов отларни танишбилишларига енг учида пуллаяпти, деган фактлар исботланмади. Хат асоссиз деб топилди.

Бу воқеадан сўнг икки йил ўтгач, яъни 1986 йилда отлар хусусидаги хатлар очиқ имзо билан ёзила бошланди. Область ва район партия комитетлари номига тушган шикоятларни текшириш учун Хатирчи район агросаноат бирлашмаси алоҳида буйруқ чиқарди. Икки ходим ўн кун командировка қилинди. Колхоздан вакил олишди. Боз устига шикоятчилар «Бизнинг иштирокимизсиз текширмайсиз» деб оёқ тираб туришди. Улар отлар қаерда боқилишини ўзлари кўрсатишмоқчи бўлишди. Ҳатто бир нечасини қувиб келишди. Шикоятчилар даштни машинада кезиб, отларни рўйхатга олишни таклиф этишди. Бундай машмашадан толиққан шофёр аччиқланиб кетиб қолди. Текширувчилар пойи-пиёда кезиб, то кеч тушгунча от санашди. Иш унмади. Шундан кейин улар отларни бир ерга тўпламасдан туриб ҳисобга олиб бўлмаслигини айтишди. Ферма мудири А. Абдураимов асов отларни бир ерга тўплаш қийинлигини, қувақувада биронтаси йиқилиб шикастланса жавобгар бўлишини баҳона қилди. У йигирма кишининг отлари совхоз йилқиларига қўшилиб юрганлигини билдирди. Яна Қўшработ районидаги «Мойбулоқ», Нурота районидаги «Комсомол 50 йиллиги» совхозларининг йилқиси ҳам буларга қўшилиб ўтлаётгани ҳақида маълумот берди. Вакиллар от сотиб олган шахсларни излаб, бир неча совхоз ва қишлоқларни кезиб чиқишди. Шикоятда номлари кўрсатилган кишилардан бирма-бир сўралди. Улар от сотиб олмаганликларини айтишди. Бу ҳақда саккиз кишидан тушунтириш хати олинди.

Яна галдаги элак-элак қилиб текшириш бошланди. Область прокуратурасига тушган шикоят район прокуратурасига текширишга юборилди. Бу ердан «арзчилар бизнинг районда яшамайди» деган жавоб олингач, шикоят қўшни Қўшработ район прокуратурасига ошириларди. У ердагилар эса хатни ички ишлар бўлимига топширишди.

Текширувчилар Жизмон қишлоғида от сотиб олганларни излаб юришганда Қўшработ район ОБХССига арзчилардан бири келди. Ўртада шундай савол-жавоб бўлиб ўтди:

— Ферма мудирининг бировга от сотганини аниқ кўрганмисиз?

— Йўқ, эшитдим.

— Бу далил бўлолмайди. Сизнинг ўзингизни жавобгарликка тортиш керак. Ҳеч ерда ишламай, кўпчиликни оворасарсон қилаяпсиз.

Хуллас, ўн кунлик текширтекширдан сўнг отлар ҳақидаги шикоят тугал ҳал қилинмай қолди. Яна текшириш давом этди. РАПОдагилар бу борада узил-кесил бир қарорга келишмаса бошлари ғавғодан чиқмаслигига кўзлари етиб, отларни йиғиб, колхоз ҳисобидан «Олтинсой» совхози ихтиёрига ўтказишни тавсия этишди. Қайта комиссия тузилди, буйруқ чиқарилди.

Отларни совхознинг Пачир қишлоғига ҳайдаб келиш мудирга топширилди. Райондан беш вакил махсус автобусда у ерга борди. Совхоздан эса 15 киши келди. Кун бўйи кутишди. Отлардан дарак бўлмади. Комиссия аъзолари отларни қачон тўплашса, шунда иш бошлаяжакларини билдириб изга қайтишди. Орадан уч кун ўтгач, яна ўша ҳайъат йиғилиб, қишлоққа равона бўлди. Оқшомгача кутишди. Бир пайт мудир келди.

— Отларни бир ерга жамлаб бўлмаяпти, қўрага кирмаяпти, — деди у.

Шунда олтинсойликлар нотантилик қилиб қолишди: «Ёшини аниқлаб, семизини танлаб, тамға босиб оламиз», — дейишди. Иккинчи томондагилар «Ҳаммасини тамғалаш керак», деб туриб олишди.

Томонлар бир битимга келишолмай тарқалишди.

Район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси Муродилла Олимов бошчилигида галдаги комиссия ишга киришди. Отларни қўраларга йиғмоқчи бўлишди. Асов отларни кувиб келишди. Улар қўрага яқинлашгач, чап бериб қочиб қолишарди. Йилқини тўплаш масхарабозлик ўйинига ўхшаб қолди. «Бунақаси кетмайди, қулайроқ йўл топиш керак», деган таклиф киритилди. Эртаси куни отларни дарага — икки томони баланд тоғлик жойга тўпламоқчи бўлишди.

Бу гал эллиқдан ортиқ киши узоқ қува-қувдан сўнг отларни дара томонга ҳайдади. Уларни бирма-бир санашди. Яна жанжал: мутахассис жониворнинг тишини кўриб «тўрт ёшда» деса, шикоятчилар «йўқ беш ёшда» деб шовқин кўтаришди. Саксонта от «Олтинсой» совхози ҳисобига ўтказилди. Қувиш вақтида тоғдан йиқилиб бир той ўлди. Иккита от толиқиб, йўлда жон берди. Бу ҳақда акт тузишди. Ўлган отлар айбдор шахс ҳисобидан ундириб олиниши кўрсатилди. Район бош ветеринария врачи Эркин Холмуродов ва яна етти нафар холис гувоҳ актга имзо чекишди.

Хўш, айбдор шахс ким?

Элак-элак ўйинидан шу нарса маълум бўлдики, Хатирчи район «Москва» колхози йилқичилик фермасида бор-йўғи 103 йилқи бўлган. Бу отларга умуман тамға босилмаган. Шундан иккитаси ўлган. 1985 йилда олтита, кейинги йили эса 9 та той олингани қайд этилган. Лекин отларни тўплаш даврида ҳалок бўлганлари даъвогарлар учун ёза-ёзга яна баҳона бўлди. Йилқини дарага йиғишда эса 50 дан ошиқ киши қатнашган. Хўш, уларнинг қайси биридан ўлган отни ундириб олиш керак? Бу масала муаммолигича қолиб кетди. Даъвогарлар эса ёзишни канда қилишмади. Отлар бошқа ерга топширилган бўлса-да, бу ҳақда тушган шикоятлар билан район ва область ташкилотлари узоқ вақт енг шимариб шуғулланишди.

Хўш, тарқатиб юборилган йилқичилик фермасининг собиқ мудири ким-у, даъвогарлар ким?

Тоғчиноқ қишлоғи Самарқанд область Қўшработ район «Мойбулоқ» совхозининг 6-бўлимига қарашли. Бу қишлоқда атиги 20 хўжалик бор (1987 йилдан бошлаб у Каттақўрғон районн территориясига ўтган). Қишлоқ учта бўлинган. Бирида йилқичилик фермасининг собиқ мудири Абдуҳақ Абдураимов, отбоқар Нурмамад Нормуродов яшайди. Яна бирида шикоятчи даъвогарлар..

Бу ердаги хонадонларнинг гала-гала қўй, эчкилари, отлари Тоғчиноқ даштликларида ўтлаб юрибди. Қишлоқ Совети хўжалик дафтарида эса улар ҳисобига йиллар давомида битта-иккита қўй ёки той киритилади, холос. Уларнинг аниқ ҳисоб-китоби билан обласдагаги на маъмурий органлар, на молия бўлими шуғулланади.

Талон-торожлик ҳақида арз қилган кишилардан бири Тошниёз Қўлдошев бўлди. У «Москва» колхозида яшайди. 7-бригаданинг ем-хашак звеносида ишларди. Янги бригадир сайланди. Қўлдошев уни нотўғри қўйишда, деб даъво қилди. Унинг талаби билан қайта йиғилиш ўтказилди. Бригада аъзолари даъвогар Тошниёзнинг тутган йўлини нотўғри деб топишиб, уни йиғилишдан чиқариб юборишди. Лекин у тинчимади. Район партия комитетига арз қилди. Яна правление биносида бригаданинг умумий йиғилиши бўлди. Т. Қўлдошев бўлса бу гал йиғилишда қатнашишдан бош тортди. Яна қаламга ёпишди.

Хуллас, юз бир отнинг юз бир ғавғоси давом этмоқда. Текшир-текшир, элак-элаклар натижасида ўнлаб кишиларнинг қанчадан-қанча қимматли вақтлари зое кетаяпти. Қуруқ ёзма-ёз билан не-не одамлар узоқ вақт овора-ю сарсон қилинаяпти.

Ўринли савол туғилади: бундай кўнгилсиз машм

АРЧА АТРОФИДА

Арча, арча, жон арча,
Япроқларинг нинача.
Атрофингда айланиб,
Қўшиқ айтамиз барча...

Ҳа, кичкинтойларимиз бу қўшиқни севиб, жўшиб куйлашади, ял-ял товланиб, кўзни қамаштирувчи ўйинчоқлар билан безатилган арча теварагида завқ-шавққа тўлиб рақсга тушадилар. Жажжи ўғил-қизларга Қорбобо ва Қорқиз совғалар улашадилар.

Тошкент область Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз болалар боғчаси тарбияланувчилари ҳам Янги йил байрамини ана шундай хушнудлик билан нишонладилар.

СУРАТДА: боғча мудираси Раҳима Исҳоқова (ўнгда) болалар билан.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси.

Бизнинг мусоҳаба

«МЕДИК» ХИЗМАТДА

Фарғона областида турли соҳаларда ўнлаб кооперативлар ташкил топди, юзлаб кишилар янка тартибдаги меҳнат билан шуғулланиб бошладилар. Яқинда Фарғона шаҳар Совети ижроия комитети аҳолига пулли медицина хизмати кўрсатиш юзасидан «Медик» кооперативи тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири А. МАНСУРОВ билан учрашиб, ундан ана шу янгиликни шарҳлаб беришни сўради.

— Аҳад Набиевич, Фарғона областида 5 мингга яқин врач, 18 мингдан зиёд ўрта махсус маълумотли медицина ходими ишлаб турибди. Область соғлиқни сақлаш бўлими тасарруфида 115 касалхона ва 230 амбулатория-поликлиника мавжуд. Шунга қарамай, янги даволаш муассасаси — «Медик» кооперативи тузилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

— КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Аҳоли соғлиғини муҳофаза этишни ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг ўн иккинчи беш йиллик ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисидаги қарори лойиҳасини муҳокама қилиш давомида область соғлиқни сақлаш бўлимига шу соҳани яхшилаш юзасидан юзлаб таклифлар тушди. Улар орасида тўловли медицина хизмати кўрсатиш, соғлиқни сақлашнинг қатор йўналишларида пулли хизматни жорий қилишга доир хатлар ҳам кўп. Бу таклифларнинг ҳаммаси область соғлиқни сақлаш бўлимида мутахассислари томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам бепул медицина хизмати тузумимизнинг ижтимоий кафолати, совет соғлиқни сақлаш системасининг асоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Бизда моддий таъминоти қандайлигидан қатъий назар, беморни даволашни рад этиш мумкин эмас. Бироқ, афсуски, областда шифокор кадрлар камлиги, даволаш муассасаларининг ниҳоятда тирбандлиги ҳамма жойда ҳам беморларга юксак малакали хизмат кўрсатиш ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш имконини бермаяпти.

Шундай шароитда тўловли медицина ёрдамини ривожлантириш, фикримизча, яхши самара келтиради. Биринчидан, бетоб киши ўзи учун шифокор танлай олади. Ўз навбатида врач ҳам бутун бу лимини беморларнинг катта доирасида синаб кўриш ҳуқуқига эга бўлади. Бундан ташқари мазкур усул соғлиқни сақлашга ажратилаётган бюджетнинг бир қисмини тармоқни янги жиҳозлар билан таъминлашга сарфлаш имконини беради.

— Кооперативлар томонидан аҳолига медицинанинг қайси турлари бўйича пулли хизмат кўрсатилади?

— Кооперативга кирувчи бир қатор бўлимлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Жумладан областдаги Чимён ва Қизилтепа касалхоналарида машҳур Фарғона минерал сувлари билан даволайдиган бальнеология бўлинмалари, область врачлик-физкультура диспансерида эса «Саломатлик» группаси ва бўлинмаси очилади. Область консультация берувчи поликлиникаси базасида махсус бўлинма очилади, врачларнинг қабули уюштирилади.

Коопеативларни ривожлантириш мақсадида биз ҳозирча медицинанинг областимизда ўзлаштирилмаган врачлик косметикаси ва психотерапия сингари соҳаларида малака ошириш учун бир неча мутахассисга марказий даволаш базаларига йўлланма бердик.

— «Медик» кооператив бўлимларининг иш режими қандай бўлади?

— Даволаш муассасаларининг имкони ва аҳолининг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда қабул соатлари куннинг иккинчи ярмига мўлжалланяпти. Дам олиш кунлари эса эрталабдан иш бошланади.

— Кўпчиликни қизиқтираётган савол: кооператив хизматига ҳақ тўлаш қандай бўлади?

— Бу масала кооператив правлениеси томонидан ҳар томонлама ҳисобга олиб ҳал этилади. Масалан, медицина фанлари кандидатининг беморга хизмати беш-олти сўм атрофида бўлади. Бошқа мутахассислар қабулида бўлиш эса бирмунча арзонроқ. Врачлик-даволаш курслари албатта қимматроқ туради.

Суҳбатни **П. ИБРОҲИМОВ** олиб борди.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

«АЖДАҲО ЙИЛИ»

Японияннг Кобе портида яшил мўйловлари узун, ўзи 20 метр келадиган аждаҳо ҳайкали қад кўтарди. Маҳаллий амалдорлардан бирининг айтишича, шамол эсаётган кезларда унинг панжалари ҳаракатланади, лекин бундан ҳеч ким қўрқмайди. Пластмасса ва тилла қоғозлардан ясалган бу маҳлуқ тўлупи Кобеда янги — «аждаҳо йили» байрамини қувноқ ўтказиш мақсадида атайлаб олиб келинган.

Шарқий Осиё мамлакатларида ўзаро келишилган тартибга кўра айланиб келувчи 12 йилнинг ҳар бири мавжуд бўлган ёки афсонавий ҳайвонлар номи билан аталади: ҳўкиз, қуён, йўлбарс, сичқон, аждаҳо ва ҳоказо. Японлар тасдиқлашларича, қайси йилда туғилганлиги кишида бирон-бир белги қолдиради.

Токиолик Тэруко Дзимбаннинг гапларига қараганда, масалан, аждаҳо йилида [ҳозир 1976, 1964, 1952, 1940 йиллар] туғилган одам қатъийлиги, мақсади аниқлиги, меҳнатсеварлиги, ўқиш ва ишда ютуқларга эришиш билан ажралиб туради. Японлар фикрича, бу йилнинг аёллари меҳрибон, майин, сабр-тоқатли, бироқ кўпинча эрига сўзини ўтказадиган, қатъий характерли бўладилар.

ҲАРБИЙ ДЕНГИЗЧИЛАР УЧУН

Америкалик ҳарбий денгизчиларга ёшигарчилик пайтида зонтиклардан фойдаланишга рухсат берилди. Қўшма Штатлар ҳарбий денгиз кучлари қўмондонлиги қарийб йигирма йиллик танаффусдан сўнг яна шундай қарор қабул қилди. Оғирлиги бир тонна келадиган бу зонтик қора рангда, ҳеч қандай безаксиз ва расмсиз бўлиши керак.

ГУЛ КОНСЕРВАЛАРИ

Япониядаги магазинларда гулчилар учун консервалар пайдо бўлди. Бу банкаларга тупроқ, махсус ўғит ва гул уруғлари солинган. Харидор «консерва»нн уйида очиб, ичидагини ҳовлига сочадн. Гуллар олти-саккиз ҳафта ичида униб чиқади. Консервалар бир йилгача яроқли.

Қизиқарли пазандалик

ЛАЗЗАТ ФАЛСАФАСИ

Ўзбек таомлари билан узоқ йиллардан буён шуғулланиб юрганимданми, менга кўпинча: «Жаҳонда бизнинг овқатларимиздан лаззатлиси бўлмаса керакдир-ей!» — деган савол беришади. Мен эса салбий жавоб қиламан: хом балиқ, палағда тухум, қалампир сомса, қоқланган қурбақа, консерваланган тошбақа, қовурилган калтакесак, илон шўрва каби юзларча таомлар борки, булар ҳам лаззатли. Шунда баъзилар калака қилаяпти, деб ўйлашса, яна бировлари рўйи рост ранжишади, учинчи тонфадагилари ўзинниким маъқуллаш учун баҳслашиб кетишади. Ана шундай пайтларда бир воқеани сўзлаб тинчитишга уринаман: 1956 йили Ўрта Осиёдан тўрт ўқитувчи Киев университетига малака оширишга борганмиз. Тожикистондан Азим Усмонхоев, Қирғизистондан Қувончбек Асанов, Туркманистондан Олти Аманқиличев ва Ўзбекистондан мен. Кунлардан бирида украиналик ҳамкурсларимиздан Грицько ётоқхонага кириб:

— Биз сизларнинг меҳмондўстлигингиз тўғрисида кўп эшитганмиз. Сиз, — деди у, — менга юзланиб,— овқатларнинг турли хилини билар эмишсиз. Ўша машҳур паловни бир дамлаб бермайсизми, кўпчилигимиз уни емаганмиз, — деб қолди.

Мен дарҳол кўндим. 30 киши тўпланиб, бир хонадонда девзира гуручдан палов пиширдим. Зираворларимиз ҳам бор эди. Дастурхонга тортишда палов юзига Дашнобод анорининг доналаридан сепиб, Марғилон турпидан кертиб келтирдим. Буни қарангки, биз —ўрта осиёлик тўрт кишидан бошқа ҳеч ким емаса бўладими! Вилкаларда лиқопчаларига бир ошамгина келадиган паловдан солиб татиб кўришди-да, «Яхши бўпти», — дейишиб, бирин-кетиб тановулни тўхтатиб қўйишди!

Ижроси томошабинларнинг қарсаклари билан олқишланмаган артист қандай ҳолатга тушиб қолишини биласизми? Худди шундай, пазанда ҳам умид билан тайёрланган таомини хўрандалар емасалар, қаттиқ ранжийди, ҳатто изтиробга тушиб қолади.

Ўрта осиёлик дўстларим менга далда бериб, бир неча кунгача юпатиб юришди.

— Одамга ўзи ўрганиб қолган таомлар маззали туюларкан, — деди Қувончбек Асанов.

— Янги хилининг лаззатига бир мартада кўникиш қийин, овқатланиш доим консерватив бўлишлигини биласиз-ку,— тасалли берди Олти Аманқиличев.

— Тўғри-да, ахир, овқатланишга ҳам фалсафий ёндашмоқ керак, — фикр билдирди Азим Усмонхоев.

Дарвоқе, ҳайвонот учун овқатланиш ёлғиз табиий ҳодиса, инсоният учун эса ҳам табиий, ҳам ижтимоий. Ҳайвон учун лаззатнинг аҳамияти йўқ, қорин тўйдирса, бас, инсон учун эса лаззат биринчи ўринда туради. Бироқ одамлар турлича характер ва дидга эга бўлишганидан лаззат масаласига ҳам ҳар ким ҳар хил ёндашади. Бировга ундай туюлса, бировга бундай. «Дид борасида баҳс очилмайди» деган нақл ҳам бежиз айтилмаган-ку. Дўстлар билан ҳалиги «паловхўрлар»ни яна ўша жойга тўплашга келишиб олдим-да, ўзим украин халқининг энг шарафли таоми — борщини ўрганишга киришдим. «Украина таомлари» китобининг авторлари М. И. Георгиевский ва О. С. Шемякинский ҳузурига бориб, воқеани сўзлаб, дардимни айтдим.

— Борщч 16 хил бўлади, сизга қайси бири керак?

— Энг хушхўрини ўргатинглар.

Шундай қилиб, киевча борщчни танлаб, рецептини ёзиб олдим. Ушбу таомга 25 хил масаллиқ солиниб, 3 соат давомида пиширилар экан.

Хуллас, ўша гуруҳ яна тўпланди, мен борщч пиширибб, чуқур лиқопчаларга тақсимлаб, қўрқа-қўрқа дастурхонга тортдим. Воажаб! Бир қошиқдан татиб кўришлари биланоқ миннатдорчиликлар, мақтовлар ва олқишларга кўмилиб кетдим, икки қайтадан ҳам сўраганлар бўлди. Биттаси шундай мақтади ҳам.

— Деразадан ташқарига қара, гўзал жонон назокат билан ўтиб кетаяпти, дейишса, мен бу борщчдан кўзимни узолмаяпман, — деб жавоб берардим.

Ана сизга овқатланишнинг консервативлиги, лаззат масаласига субъектив қараш, кишига ўзи ўрганиб қолган таомнинг лаззатли туюлиши... Мен сон-саноқсиз маротаба тайёрланган паловимни мазур қила олмадим, аммо янги ўрганиб, атиги бир марта тайёрлаганимдаёқ борщчни мазқул кўришди!

Ўша воқеадан сўнг мен учун «лаззат фалсафаси» ҳал бўлган эди.

Гап шундаки, киши гаплашишни, тилни ўз онасидан ўрганади. Овқатланишга келганимизда ҳар ким уни ўз уйида, гўдаклигиданоқ онасининг кўлидан ейди. Она пиширган таом лаззатлигининг сира қиёси бўлмайди. Овқатланишни ҳам, таомдан лаззатланишни ҳам одам ўз уйида, ўз онасидан ўрганар экан, барча оналар, уй бекалари тайёрлайдиган таомлар муштарак бўлиб, миллий пазандаликнинг негизига айланиб қолади. Одамлар ўз уйларида, ўз юртларида, ўз мамлакатларида тайёрланадиган таомларни доим истеъмол қила бориб лаззат гаммаларининг энг нозик «ноталарига», миллий пазандалик санъатидаги ўзига хос колоритнинг жуда нафис «ранг»ларигача яққол ҳис қиладиган бўладилар. Қолаверса, ўз ватанлари тупроғида унган масаллиқлар машаққатли меҳнат эвазига бинога келганлиги учун ҳам уларни исроф қилмаслик, кўз қорачиғидек асраш, мазасидан тўла лаззатланишга одатланиб қоладилар. Уз масаллиғи, ўз овқатини энг лаззатли деб билишликни анча-мунча рад қилиб бўлмаслик эса овқатланишдаги консерватизмни келтириб чиқаради.

Жаҳон пазандалигида худди шу фикрни исботлайдиган жуда кўп мисоллар бор. Чунончи Ҳинд океанидаги Анбон оролларида истиқомат қилувчи бир гуруҳ одамлар фалакнинг гардиши билан Голландияга кетзатли наси рамес деган таомлари билан сийлайдилар. Бу таом қайнатма гуручга етти хил ҳидли ошкўклар ва етти хил қалампир қўшилган сардак билан дастурхонга тортиладн. «Биринчи луқмани татишим билан тилимни чаён чақиб олгандек бўлди ёки оғзимга лақча чўғ солдимми... пешонамдан селдек тер қуйилиб кетди, беҳосдан ирғишлаб кетган эканман, бошим шипга урилиб ёнғоқдай ғурра ўсиб чиқди. Мезбонлар эса «шунга шунчами» дегандек, бемалол овқатланишар эди, кимдир кокос ёнғоғининг сутидан узатди, ҳўплаб, оғзимни чайқаб бироз ўзимга келдим». Карл Гельбинг чайнаган қалампир ломбок деб аталадиган нави бўлиб, жаҳонда энг аччиғи ҳисобланади. Немисларнинг болғар навли чучук қалампирга ҳам шакар сепиб ейишларини индонезияликлар қаёқдан билишсин! Лаззат фалсафаси мутлақо субъектив эканлигига қуйидаги мисолларни келтирсак бўлади.

Тибетда қўтосни сўйганларидан кейин қорнига ўпка, юрак, жигар, буйрак ва ичакларни солиб боғлаб бир неча кун давомида офтобга қўядилар. Бадбўй ҳиди узоқлардан анқиб туради. Мана шу масаллиқдан улар арпа дони солиб гўжа қайнатишади ва буни энг ноёб, энг лаззатли таом деб билишади. Гватемалада бир қарич калтакесакларни ёққа қовуриб бозорда сотишади. Буни улар «Чўл балиғи» деб аташади.

Французлар шиллиқ қуртдан тансиқ таомлар тайёрлашади. Итальянлар қўрбақани ҳам, эшак гўштини ҳам паққос тушираверишади.

Немислар учун қўй гўшти энг иссиқ ва бадхўр масаллиқ ҳисобланади. Бир бурда нон билан чўққанинг бир парча хом ёғи бўлса — бу бошқа гап.

Афғон, Эрон, Ҳиндистонда бир навли гуруч экилади, таом тайёрланса, сичқоннинг ҳиди келиб туради, бироқ ўша мамлакатларнинг аҳолиси учун эса бу ҳид муаттар туюлар экан.

Вьетнамда ит гўштидан шўрва қайнатишади ва бу таом энг лазиз ҳисобланиб, азиз меҳмонлар билан бирга баҳам кўрилади.

Хитойдаги Гуан-Чжоу вилоятида «Ше-чан-гуан» деб аталувчи махсус ресторан бор. Бунда фақат илоннинг ўзидан юзларча таом тайёрланади.

Ҳурматли ўқувчилар асло ирганманг. Чунки ўша жойлардаги одамлар бундай таомларни чақалоқлик давридан бошлаб ўз оналарининг қўлидан еб ўрганишган. Биз учун палов қандай бўлса, улар учун ҳам ана шу таомлар энг лаззатли.

Лаззат тўғрисидаги тушунча она таъсирида, сўнгра атрофдагиларнинг овқатланиш анъаналарига кўра шаклланади ва киши шу орқали ҳам ўз халқининг бир бўлагига айланади. Ҳар бир халқнинг ўтмиш авлодлари ана шу лаззат фалсафасига амал қилганлар ва кейингилар ҳам буни давом эттирадилар.

Карим **МАҲМУДОВ.**

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ЛУҒАТИ

Портфель — мансабпарастнинг обрўси.

Туллак — ўта айёр одамнинг исмига тиркаладиган сўз.

Электр қуввати — тролейбус ва трамвайларни тезтез палағ қилиб турадиган дардисар.

Қиш — ваъдабоз раҳбарларни тоза сувга чиқарадиган фасл.

Агитбригада — маълум мавсумларда вақтинча ғиллаб қоладиган таргиботчилар уюшмаси.

Машина — яратилганидан бери пахтани тоза тера олмаётган механизм.

Шинни — Ўзбекистон «Қизил китоби»га ёзилган тўйимли таом.

Мўминё — дорихоналардан олиб бўлмайдиган, аниқнинг тухумига тенг малҳам.

Қоғоз — қайта қуришни тан олгиси келмаётган раҳбарнинг қаноти.

Нота — нўноқ созаданинг шпаргалкаси.

Шийпон — кўпгина хўжаликларда хўжакўрсин учун қуриб қўя қолинган бино.

Ҳушёрхона — пиёнистанинг «кўнгилли» хорҳдиқ чиқарадиган жойи.

Жарима — боқибеғам раҳбарлар совурадиган давлат маблағи.

Мутахассис маслаҳати — деҳқончилик, чорвачилик, сабзавотчилик ва полизчилик илмини сув қилиб ичган кишиларга ўз соясидан нарини кўрмайдиган ходимларнинг ўгити.

Шанбалик — дангасаларга ўта ёқиб тушадиган тадбир.

Автобус — шаҳарлараро қатнайдиган баднафс шофёрлар учун мўмай пул топиш манбаи.

Етимхона — ўлмай туриб мурдага айланган ота-онанинг гуноҳини ювиш учун ташкил этилган муассаса.

Қимиз — давлат дўконларида сотиладиган, айрондан фарқ қилмайдиган шифобахш ичимлик.

Луиж — баднафснинг тормозланмайдиган жойи.

Тузувчи Р. **РЕНЕВ.**

КРИПТОГРАММА

Ҳурматли газетхон! Криптограммада ўзбек совет шоири, Ҳамза номидаги республика мукофоти лауреати Абдулла Ориповнинг Янги йил айёмини мадҳ этган шеърдан икки мисра яширинган. Таърифларини қуйида баён этилган «очқич» сўзлар ёрдамида ҳал этинг.

1. Муҳим тарихий воқеа, ҳодиса шарафига тантана ўтказиладиган шодлик куни — 11, 1, 13, 9, 1, 10.

2. Дунё вақти деб қабул қилинган, Ер шари меридиани ўтган Лондон яқинидаги обсерватория — 7, 9, 2, 3, 14, 2, 17.

3. Тўрт йилда такрорланадиган «узун» йил — 12, 1, 11, 2, 5, 1.

4. Қишки спорт тури анжомн — 17, 1, 3, 16, 2.

5. Ўзбекистондаги таниқли эстрада ансамбли — 18, 4, 4, 1.

6. Устки миллий кийим — 15, 6, 3.

7. Ернинг табиий йўлдоши — 8, 13.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

СПОРТ АХБОРОТИ

ФУТБОЛ

Белградниинг «Спорт» газетаси югославиялик ва чет эллик футбол шарҳловчилари ўртасида ўтказган савол жавобга кўра СССР терма командаси 1987 йилги энг яхши Европа командалари орасида иккинчи ўринни (309 очко) олди. Биринчи ўрин Англия терма командасига (327 очко) тегди. Италияликлар учинчи (165 очко) бўлишди.

«Футбол-Хоккей» ҳафталиги 153 спорт журналисти ўртасида ўтказган савол-жавобга кўра СССР терма командаси ва Днепропетровскнинг «Днепр» коллективи ҳужумчиси Олег Протасов мамлакатимизнинг 1987 йилги энг яхши футболчиси деб (250 очко) топилди. Ундан кейинги ўринларни Алексей Михайличенко («Динамо» Киев), Фёдор Черенков («Спартак» Москва) ва Александр Заваров («Динамо» Киев) эгаллашди.

ХОККЕЙ

Ёшлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатининг тўртинчи тур учрашувлари муросасиз ва жанговарлиги билан олдингиларидан кескин фарқ қилди. Жумладан Канада — АҚШ матчида 5:4 ҳисоби қайд этилди. Америкаликлар учрашувнинг охирги дақиқаларида ҳисобни тенглаштириш учун сўнгги имкониятдан фойдаланишга уриниб кўрдилар. Бунда улар дарвозабон ўрнига майдонга яна бир ҳужумчини туширдилар. Лекин мағлубиятдан қутула олишмади. Жаҳон чемпионлари — финляндиялик хоккейчилар Польша терма командасини йирик ҳисобда енгишди — 9:1. Чехословакияликлар ГФР хоккейчиларини мағлубиятга учратишди — 7:4. СССР ва Швеция командалари учрашувида ғолиблик учун қизғин кураш борди. Мамлакатимиз спортчилари учинчи бўлимда ўйинни ўз фойдаларига якунлашга (4:2) муваффақ бўлдилар.

Янги йилнинг биринчи куни СССР ва Канада хоккейчилари учрашишди. Бу ўйинда 3:2 ҳисобида ғалаба қозонган канадаликлар пешқадамликни қўлга киритдилар. Улар 5 учрашувда 9 очко жамғаришди.

Канада бўйлаб сафар учрашувлари ўтказаётган мамлакатимизнинг 2-терма командаси навбатдаги ғалабани қўлга киритди. Хоккейчиларимиз Тандер-Бейда Канада олимпиада терма командасини 3:0 ҳисобида енгишди. Бу матчда айниқса дарвозабон Голошумов ўзини кўрсатди. У майдон эгалари томонидан 33 маротаба йўналтирилган шайбани қайтаришга муваффақ бўлди.

ЭРКИН КУРАШ

Ўсмирлар ўртасида республика «Ёш куч» кўнгилли спорт жамиятининг шахсий ва команда биринчилиги Олмалиқда бўлиб ўтди. Унда барча областлардан келган ёш полвонлар ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Мусобақаларда фарғоналиклар муваффақиятли қатнашиб, команда ҳисобида ҳурмат шоҳсупасининг юқори погонасига кўтарилдилар. Самарқандликлар иккинчи, кашқадарёликлар учинчи ўринни эгаллашди.

КОРРЕКТОР ЁН ДАФТАРИДАН

Кўпкарнинг қийшайгани қирқ йил туради (чўпкарнинг).

* * *

Минг сизу қиздан бир жизу сиз яхши (биздан ва биз).

* * *

Оғзига тозн кириб, шотн чиқарди (бодн ва шоди).

* * *

Узингни бил, ўзганн сўй (қўй).

* * *

Яхши ит кейин чопади (от).

* * *

Шўрва чайнади (қайнади).

* * *

Зор кўчага борганда мен ёғимни соғинаман (тор ва ёримни).

* * *

Саломатлик — туман сойлик (бойлик).

* * *

Бу чўл қишда чой, ёзда танг бўлади (йўл, лой ва чанг).

* * *

Сигирнинг тутн дилида (сути ва тилида).

* * *

Чамамда пул очилди, чакангга тақ, чаканга (чаманда ва гул).

* * *

Отам қозн бўлди (рози).

* * *

Бу совун азотга кўп сўйган экан (қовун ва тўйган).

Тўпловчи Р. РАҲИМОВ.

Редактор **А. Ғ. МУХТОРОВ.**

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33, 32-56-35, 32-54-51, Чорвачилик бўлими —32-56-33, Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р — 13606 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. В. 998 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12